

БПК

1/2019

БОЗОР, ПУЛ ВА КРЕДИТ // РЫНОК, ДЕНЬГИ И КРЕДИТ

ЦИФРОВАЯ ТРАНСФОРМАЦИЯ БАНКОВСКОГО СЕКТОРА УСКОРИТСЯ



ТАДБИРКОРЛИКНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОРАСИДА
БАНК ТИЗИМИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР

АҲОЛИГА КЎРСАТИЛАЁТГАН ЗАМОНАВИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИНИНГ
ҲОЗИРГИ БОСҚИЧИ

РЫНОК ЦЕННЫХ БУМАГ УЗБЕКИСТАНА: НОВЫЕ ГОРИЗОНТЫ





OFB

Банк Ориент Финанс первым в Узбекистане внедрил бесконтактную технологию оплаты картами международной системы Visa, которая позволяет клиентам совершать покупки в одно касание!

Достаточно поднести бесконтактную карту VISA к считывающему устройству на POS-терминале, и покупка уже оплачена. Данной технологией можно воспользоваться, если на карте размещен символ бесконтактной оплаты VISA.

Теперь держатели бесконтактных карт VISA могут обслуживаться во всех торгово-сервисных предприятиях, где установлены терминалы банка. Их адреса вы найдете по ссылке:

Ofb.uz/cards

Телефон: +998 71 200 88 99

Веб-сайт банка: www.ofb.uz



Visa payWave)))

Услуги лицензированы

Даромадингизни оширинг –

Йиллик

21 фоизгача!

«Фаровон» омонати!



*Агробанк
омонатлари – Сиз учун!*




/AgrobankChannel



/agrobankuzbekistan

Agrobank Mobile иловасини юклаб олинг



www.agrobank.uz

Тел.: 71 203 88 88

Хизматлар лицензияланган

БУ СОНДА В НОМЕРЕ

ТАҲЛИЛ / АНАЛИТИКА

БАНК ФАОЛИЯТИ / БАНКОВСКАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ

- 4** *М. Шоназаров*
Тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида банк тизимида амалга ошириляётган ишлар
- 9** *Б. Ақромов*
Аҳолига кўрсатиляётган замонавий банк хизматларининг ҳозирги босқичи
- 14** *Л. Олейник*
Цифровая трансформация банковского сектора ускорится
- 19** *З. Умаров*
Янги банк хизматлари, уларни ривожлантириш



ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ / МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ

ЭКСПЕРТ ФИКРИ

- 30** *А. Жалилов*
Венчур капиталининг сир-асрорлари: жаҳон тажрибаси
- 36** *Ш. Абдуллаева, У. Азизов*
Стоит ли инвестировать в социально-ответственные (этические) инвестиционные фонды?



ИҚТИСОДИЁТ / ЭКОНОМИКА


ФАКТОРЫ РАЗВИТИЯ

- 42** *У. Камалетдинов*
Пути развития механизмов ГЧП в энергетическом секторе Узбекистана
- 49** *Ё. Илхомова, Х. Ҳабибуллаев, С. Акрамжонов*
«Корхона ва муассасаларда асосий воситалар ҳисоби»нинг мақсади ва зарурлиги



РЫНОК ЦЕННЫХ БУМАГ

- 58** *И. Бутиков*
Рынок ценных бумаг Узбекистана: новые горизонты



ВОҚЕАЛАР / СОБИТИЯ

ЖАҲОН ЯНГИЛИКЛАРИ

- 70** Халқаро иқтисодиёт – қисқа сатрларда

Contents

January №1 (260), 2019 year



BANKING ACTIVITIES

- 4** *M. Shonazarov*
The ongoing works in the banking system for financial support of entrepreneurship
- 9** *B. Akromov*
The current stage of modern banking services being rendered to population
- 14** *L. Oleynik*
The digital transformation of the banking sector will be accelerated
- 19** *Z. Umarov*
The development of new banking services

INTERNATIONAL EXPERIENCE

EXPERT OPINION

- 30** *A. Jalilov*
The secrets of venture capital: international experience

INVESTMENT

- 36** *Sh. Abdullaeva, U. Azizov*
Is it worth investing in a socially-responsible (ethical) investment funds?

ECONOMY

DEVELOPMENT FACTORS

- 42** *U. Kamaletdinov*
The ways of development of PPP mechanisms in the energy sector of Uzbekistan

FINANCE

- 49** *Yo. Ilkhomova, Kh. Khabibullaev, S. Akramjonov*
The aim and necessity of fixed assets account in enterprises and organizations

SECURITIES MARKET

- 58** *I. Butikov*
The securities market of Uzbekistan: new horizons

EVENTS

WORLD NEWS

- 70** International economy in brief

МУАССИС ВА ҲАМКОРЛАРИМИЗ:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки,
Агробанк, Асакабанк, Алокабанк,
Капиталбанк, Микрокредитбанк,
Савдогарбанк, ТИФ Миллий банки,
Турунбанк, Трастбанк, Халк банки,
Ўзсаноатқурилишбанк, Қишлоқ қурилиш банк,
Ипотекабанк, Ипак йўли банки

ТАҲРИР КЕНГАШИ:

М.Б. НУРМУРАТОВ (кенгаш раиси)
Т.А. ИШМЕТОВ (кенгаш раиси ўринбосари)
И.И. НОРКУЛОВ

Р.О. ОХУНОВ (бош муҳаррир)
А.Н. АБДУЛЛАЕВ
А.Б. ВОИТОВ
К.Н. ИРИСБЕКОВА
А.Қ. МИРСОАТОВ
Ч.С. МИРЗАЕВ
Б.М. МУЛЛАХОНОВ
О.М. МУСАЕВ
С.Р. НОРМУХАМЕДОВ

Бош муҳаррир ўринбосари:
Р.Ш. Хусайнов

Масъул котиб:
Ф.Т. Иззатуллаев

Адабий муҳаррирлар:
В.С. Умиров,
Н.Г. Рогозинникова

Директор:
Г.Н. Безгин

Реклама ва обуна хизмати раҳбари:
Ғ.Н. Ҳандамов
Тел.: (+998)71-291-60-20,
(+998)97-752-44-77

Таҳририят манзили:
«БОЗОР, ПУЛ ВА КРЕДИТ» МЧЖ,
Тошкент ш., Толлимаржон кўч., 1/1-уй.
<http://www.bpk.uz/>
e-mail: info@bpk.uz

Материаллар кўчириб босилаётганда
журналдан олингани кўрсатилиши шарт.
Юборилган кўлэмаларни такриз қилиш
ва қайтариб юборишни таҳририят
ўз зиммасига олмайди.

Журналнинг обуна индекси: 853
ISSN 2010-6580

Журнал ЎзР Матбуот ва ахборот агентлигида
2014 йил 2 июлда рўйхатдан ўтган.

Гувоҳнома рақами: 0058

Теришга берилди: 14.01.2019 й.
Босишга рухсат этилди: 31.01.2019 й.
Бичими: 60x90/8.

Оффсет босма усулида чоп этилди.

Шартли босма табоғи: 9.0.

Буюртма №26. Адади: 2280.

«Lux Print» МЧЖда чоп этилди
(Тошкент шаҳри, Миробод тумани,
Толлимаржон кўчаси, 1/1-уй).

Баҳоси шартнома асосида.

МУАЛЛИФЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Бозор, пул ва кредит» журналида мақолангизни
чоп этмоқчи бўлсангиз, уни фақатгина электрон
кўринишда қуйидаги манзилга юборинг:
info@bpk.uz

Таҳририят томонидан қабул қилиналган мақолаларга
талаблар билан журналимизнинг www.bpk.uz сайти
орқали танишишингиз мумкин.

Эслатма: муаллифлар кўрсатилган электрон манзилга
мақола юборишда исми, фамилияси, лавозими, илмий
даражаси, иш жойи ва боғданиш телефонларини
аниқ кўрсатишлари ва мақоланинг инглиз тилидаги
аннотациясини юборишлари шарт.

Барча жабҳаларда бўлгани каби, банк тизимида ҳам тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, ҳудудларда янги ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектлари ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида изчил чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг босқичма-босқич ижроси амалга ошириб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг янги воситаларини яратиш, тадбиркорлик субъектларининг банк кредит ресурсларидан фойдаланишини кенгайтириш, ҳудудларда аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, ёш тадбиркорларнинг истиқболли лойиҳаларини рўёбга чиқаришни қўллаб-қувватлаш, шу асосда янги иш ўринларини ташкил этишга қаратилган фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми ўтган 2017 йилга нисбатан 1,6 баробарга ошди.

Жумладан, 2018 йилда тижорат банклари томонидан 321 мингдан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан жами 30,6 трлн. сўм кредит маблағлари ажратилган. Шундан, ажратилган микрокредитлар 6,2 трлн. сўмни ташкил этади. Бунда асосий эътибор:

- тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ташкил этиш ва мавжудларини кенгайтиришга молиявий кўмак бериш орқали қўшимча иш ўринлари яратиш, хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни рағбатлантириш;

- ҳудудларнинг ихтисослашуви (ҳунармандчилик, тикувчилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг айрим турларини етиштириш, ихчам иссиқхоналар ташкил қилиш ва бошқалар)ни инobatга олган ҳолда тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган аҳолининг тадбиркорлик та-

шаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

- оилавий тадбиркорлик ва кичик ҳажмда ишлаб чиқарувчи субъектларни (микрофирмаларни) ташкил этиш учун микромолиявий хизматларни кенгайтириш орқали аҳолига қўшимча даромад манбаини яратишга қаратилмоқда.

Хусусан, тижорат банклари томонидан «Ижтимоий ҳимоя» дастурлари доирасида аҳолининг бандлигини таъминлаш учун муайян меҳнат турлари билан шуғулланиш истаги бўлган 62 389 киши, шу жумладан, кам таъминланган оилаларга 645,3 млрд. сўмдан ортиқ имтиёзли микрокредитлар ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ««Ҳар бир оила – тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги 2018 йил 7 июнь ПҚ-3777-сон



УзА фотоси.

” Боғишамол маҳалласида яшовчи Ҳаким Тоипов:

«Темирчиликни отамдан ўрганганман, шу ҳунар туфайли рўзғоримиз бут, оиламиз тинч. Яқинда «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури асосида имтиёзли кредит олиб, оилавий тадбиркорлик фаолиятимизни кенгайтирдик. Ҳозирда бир неча хил уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқдамиз. Оиламизнинг беш аъзоси, шунингдек, яна беш нафар қўни-қўшнилар билан бирга ишляпмиз».

«Аввало, давлат маблағлари ҳисобидан имтиёзли кредитлар ажратиш амалиётини тубдан ўзгартириш зарур. Бундай кредитларни фақат иқтисодиёт ривожини белгилайдиган тармоқларга бериш ва кредит фоизини қисман компенсация қилиш лозим. Давлат аҳамиятига молик лойиҳаларни молиялаштиришда иштирок этиш учун барча банкларга бир хил шароит ва имконият яратиш, кредитлаш фаолияти эса тўлиқ бозор тамойилларига асосланиши шарт».

*Президент Шавкат Мирзиёевнинг
Олий Мажлисга Мурожаатномаси (2018 йил 28 декабрь).*

ТАДБИРКОРЛИКНИ МОЛИЯВИЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОРАСИДА БАНК ТИЗИМИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР



Мухтор Шоназаров,

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг
Тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш
бўйича тижорат банклари фаолиятини мониторинг қилиш
департаменти директори ўринбосари – бошқарма бошлиғи*

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда тадбиркорлик ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ мамлакатимизда давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хусусий мулкнинг устуворлигини янада кучайтириш, бизнес-ташаббуслар, стартапларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга оид кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Юртимизда қабул қилинган кўплаб қонун ҳужжатлари бизнесни юритишдаги ортиқча бюрократик жараёнларни

кескин қисқартириш, хусусий мулкнинг дахлсизлигини ҳимоя қилиш ва кафолатлашнинг бозор ҳамда ҳуқуқий механизмларини изчил мус-

таҳкамлаб бориш, республикада инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган кучларни жамлаш имконини бермоқда.

“*Фарғона вилояти Қува тумани «Хонобод» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи тадбиркор Авазбек Шерматов:*

«Ўз тадбиркорлик фаолиятимни бошлаганимга кўп бўлгани йўқ. «Ойбек Авазбек баракиси» деҳқон хўжалигини ташкил этиб, паррандачиликни йўлга қўйдик. «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури асосида «Қишлоққурилишбанк» Қува филиалидан 150 миллион сўмлик кредит олдим. Айти пайтда 5 минг бош «Ломанн браун» зотли парранда парваришланмоқда».

қарори доирасида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига 2018 йил давомида 1,2 трлн. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилган.

Мазкур кредитлар тижорат банклари томонидан:

- **энг кам иш ҳақининг юз эллик бараваригача** миқдорда – оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар раҳбарлари ва маҳалла фуқаролар йиғини тавсияномалари;

- **энг кам иш ҳақининг минг бараваригача** миқдорда – белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларига учинчи шахс кафиллиги, суғурта полислари, кредит ҳисобига сотиб олинаётган мол-мулклар гарови, Жамғарманинг кафиллиги ва қонун ҳужжатлари доирасидаги бошқа таъминот турлари;

- **энг кам иш ҳақининг минг бараваридан** ортиқ миқдорда – тадбиркорлик субъектларининг инвестициявий лойиҳаларини кредитлашда қонун ҳужжатлари доирасида белгиланган таъминот турларига асосан ажратилади.

Кредитлар қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик, муддатлилик ва мақсадли фойдаланиш шартлари асосида йиллик 7 фоиз

ставкасида, микрокредитлар 6 ойгача имтиёзли давр билан 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга, кредит ҳисобига амалга ошириладиган лойиҳанинг бизнес-режасига мувофиқ ўзини ўзи қоплаш жиҳатларидан келиб чиқиб 2 йилгача имтиёзли давр билан 5 йил муддатгача ҳамда айланма маблағларни тўлдиришга 18 ой муддатгача револьвер кредитлар кўринишида ажратилади.

«**Бурҳон юксалиш текстиль» оилавий корхонаси раҳбари Б. Иброҳимов:**

«*Оилавий корхонамиз учун дастур асосида кредит олиб, ишлаб чиқариш тармоғини янада кенгайтдик. Бир неча хилдаги пайпоқ ишлаб чиқараётган корхонамизда 20 нафар аёл меҳнат қилмоқда. Албатта, яратилган имтиёзлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, маҳсулот турини кўпайтириш имкони беради.*

Оилавий тадбиркорликни бошлаётганда бироз иккиланган эдик, лекин давлат томонидан берилган имкониятлар самараси ўлароқ бугун ишларимиз юришиб кетди, бир ойда 150 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулотларимиз арзон ва сифатли бўлгани учун ҳам унга талаб катта».

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 апрелдаги «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3680-сонли қарорига мувофиқ тижорат банклари томонидан қарийб 7 минг фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига 2018 йилда 112,6 млрд. сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилди. Мазкур кредитлар Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан «Томорқа хизмати» МЧЖ, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, тайёрлаш, таъминлаш, савдо ташкилотлари ҳамда лизинг компанияларига моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалиги техникаси ва транспортини сотиб олиш, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг иссиқхоналарини қуриш учун материаллар ва бутловчи қисмлар харид қилишга йиллик 7 фоиз ставкада Микрокредитбанк, Агробанк ҳамда Халқ банки томонидан 1 йил имтиёзли давр билан 3 йил муддатга ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил

17 ноябрдаги ПФ-5242-сонли «Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, хунармандчилик фаолияти билан шуғулланувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳоли, ёшлар, аёллар ва кам таъминланган оилалар бандлигини таъминлаш учун жами 222,5 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилган.

Имтиёзли микрокредитлар 6 ой имтиёзли даврни ўз ичига олган ҳолда 2 йил муддатга, энг кам ойлик иш ҳақининг 300 баробари миқдорида, ўзларининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун асбоб-ускуна ва эҳтиёт қисмлар харид қилишда имтиёзли микрокредитларнинг фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизи, айланма маблағларини тўлдириш учун эса Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш фоиз ставкаси даражасида ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги ПФ-5466-сон ««Yoshlar – kelajagimiz» Дав-

лат дастури тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, ёшларнинг бизнес-ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳаларини амалга ошириш учун Миллий банк, Ипак йўли банки, Халқ банки ва Ҳамкорбанк орқали имтиёзли кредит ва мол-мулкни лизингга бериш амалиёти жорий қилинган.

Мазкур Фармонга мувофиқ тасдиқланган манзилли рўйхатга асосан «Yoshlar – kelajagimiz» жамғармаси маблағлари ҳисобидан ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга қаратилган 3 161та лойиҳага жами 408,8 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди. Мазкур кредитлар 5 йил муддатга 12 ойгача имтиёзли давр билан берилади.

Мазкур «Yoshlar – kelajagimiz» Давлат дастури доирасида Наманган вилояти Чортоқ туманидаги «Темур спорт клуби» МЧЖ қошида тикув, трикотаж цехлари, ўқув маркази, аҳолига хизмат кўрсатиш ҳамда савдо шохобчалари фаолияти йўлга қўйилди. Натижада мазкур комплексда жами 60 нафар киши доимий иш билан таъминланди.

Корхонанинг тикув цехи имтиёзли кредит ҳисобидан 40 дона замонавий тикув машинаси билан таъминланди. Айни пайтда бу ерда эркалар учун ички кийимлар тикилмоқда.

Шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда тадбиркорлик соҳасини янада қўллаб-қувватлаш мақсад-



“ Фарғона вилояти «Мунис файзли мебеллари» МЧЖ директори, ёш тадбиркор Аҳлиддин Фахриддинов:

«Ошхона жиҳозлари ишлаб чиқарувчи корхонамиз 2013 йилда ташкил топган. Дастлаб тўрт нафар ишчи билан фаолият бошлаганмиз, «Yoshlar – kelajagimiz» жамғармаси маблағлари доирасида имтиёзли кредит олиб, фаолият йўналишларимизни кенгайтирдик. Натижада яна қирқта иш ўрни яратилди. Ҳозирда меҳмонхоналар, хонадонларимиз учун мўлжалланган, турли замонавий шакл ва қулайликларга эга бўлган мебеллар ишлаб чиқаряпмиз. Янги йилда жамғармадан яна кредит олиб, эшик ва ромлар тайёрлашни ҳамда яна ўн битта қўшимча иш ўрни яратишни режалаштирганмиз».

лари учун (маҳаллий бюджетнинг ошириб бажарилган қисми асосида ташкил қилинган) ҳудудий жамғармалар ҳисобидан 138 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди.

Тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмлари ва кафолатларини янада мустаҳкамлаш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги воситаларини яратиш, тадбиркорлик субъектларининг кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, шу асосда янги иш ўринларини ташкил этишни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ташкил этилган. 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига мазкур жамғарма томонидан:

- кичик тадбиркорлик субъектларига банк кредитлари бўйича 1,8 трлн. сўм кредитга қарийб 600 млрд. сўм кафиллик;

- тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун 1,4 трлн. сўм кредитга 147,5 млрд. сўмлик компенсация берилган.

2019 йил – «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да ҳам тижорат банклари томонидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг бизнес лойиҳаларини амалга ошириш учун йўналтириладиган кредит ресурсларидан фойдаланишни кенгайтириш мақсадида банк кредитлари бўйича мақсадли жамғармаларнинг кафиллик ҳамда кредит бўйича фоиз



харажатларини қоплаш учун компенсация бериш амалиётларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилади.

Шу билан бирга, юқорида қайд этиб ўтилган дастурларга мувофиқ, тадбиркорлик ва даромад келтирадиган меҳнат фаолияти билан шуғулланмаган аҳолига тадбиркорлик кўникмаларини ўргатиш ва тегишли фаолият турини ташкил қилишга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳудудларга масъул этиб бириктирилган банк филиаллари раҳбарлари томонидан тегишли ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда тадбиркорлик соҳасида яратилган имтиёзлар, банк хизматлари турлари ва шартларини тушунтириш юзасидан доимий равишда амалий семинар ва учрашувлар ўтказиб келинмоқда.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, тижорат банклари молиявий хизматларнинг ҳажмини ошириш ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, Давлат дастурларига мувофиқ аҳолини тадбиркорликка жалб этиш орқали ҳудудларда оилаларнинг

турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган устувор вазибалар ижроси, аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

ABSTRACTS

THE ONGOING WORKS IN THE BANKING SYSTEM FOR FINANCIAL SUPPORT OF ENTREPRENEURSHIP

The article examines the ongoing works in the banking system during financial support of entrepreneurship. As per initiative of the head of our state, special attention is paid to the development of entrepreneurship in our country. In accordance with the Action Strategy for 2017-2021 reducing state participation in the economy, protecting the rights of business entities, further enhancing the predominance of private property, large-scale reforms to support entrepreneurial initiatives are being implemented.

АҲОЛИГА КЎРСАТИЛАЁТГАН ЗАМОНАВИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИНИНГ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧИ



Баҳром Ақромов,
«Трастбанк» хусусий
акциядорлик банки
Амалиёт бошқармаси
бошлиғи

Банк маҳсулотлари ва хизматларини самарали тарзда тарғиб қилиб, банкнинг чакана фаолиятини кенгайтириш каби вазифаларни ҳал этиш ҳудудий даражада чакана хизматлар бозорини мониторинг қилишдан келиб чиқади, бу эса банкнинг рақобатбардош афзалликларини аниқлаш ва истеъмолчиларнинг имтиёзларидаги мавжуд ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда банкнинг чакана хизматлар бозоридаги рақобатбардош позициясини тартибга солиш имконини беради.

Бугунги кунда «Трастбанк» хусусий акциядорлик банкнинг Амалиёт бошқармаси

Банк хизматларини аҳолига етказиб бериш жаҳоннинг барча мамлакатларида замонавий банк тизимининг муҳим хусусияти ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг тижорат банклари даромад базасини кенгайтириш, рентабеллигини ва рақобатбардошлигини ошириш мақсадида ўз мижозларига кенг кўламли хизматлар кўрсатишга интилади.

Банкимизда энг замонавий технологиялар ва банк маҳсулотлари жорий қилинган. Уларга кредит маҳсулотлари, онлайн-банкнинг, интернет-банкнинг, мобиль-банкнинг, SMS-банкнинг ва тезкор пул ўтказмалари тизимлари киради.

томонидан замонавий чакана бизнесни ривожлантириш йўлида қуйидагилар асос қилиб белгиланган:

- Молиявий хизматлар учун мижозларнинг эҳтиёжларини ўрганиш;
- Ушбу эҳтиёжларга мос келадиган қатор маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқиш.

Банкимизда энг замонавий технологиялар ва банк маҳсулотлари жорий қилинган. Уларга кредит маҳсулотлари, онлайн-банкнинг, интернет-

банкнинг, мобиль-банкнинг, SMS-банкнинг ва тезкор пул ўтказмалари тизимлари киради. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, бугунги кунда ахборот технологияларини ривожлантириш билан бирга, банк хизматларини электрон кўринишда тақдим этиш имкони пайдо бўлди. Чунки хизматлар реал вақт режимда мижозга қулай вақтда ва ўз иш жойидан ажралмаган ҳолда амалга оширилади. Бу эса, албатта, мижозларнинг вақтини тежашга ҳамда уларнинг

Ҳисобчи ҳеч бир тўловни раҳбариятнинг тасдиғисиз банкка жўната олмайди, лекин барча банк операцияларини ўтирган еридан назорат қилиш имкониятига эга.

вақтдан унумли фойдаланишларига шароит яратади.

Кўрсатиладиган банк хизматлари ҳажми ва унинг ўсиш жараёнида инновацион технологияларнинг қийматини оширишга зарурат юқоридир. Бу жараёнда, биринчидан, банк хизматларининг тўлов ва тижорат услубларини кенгайтириш, танлов йўли билан инвестиция киритувчи мижозларни жалб қилиш лозим. Иккинчидан, юқори технологияли замонавий асбоб-ускуналардан фойдаланиш орқали сифатли хизмат кўрсатиш хусусиятига эга янги хизматлар жорий этиш, учинчидан эса корхона ва ташкилотларнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда янги банк хизмат турлари самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Бугун банклар томонидан тақдим этилаётган банк хизматларидан бири Интернет-банк тизими бўлиб, бу тизим 2008 йилда Ўзбекистондаги тижорат банклари орасида биринчилардан бўлиб «Трастбанк» хусусий акциядорлик банки томонидан жорий этилган. «Банк-мижоз» хизматидан фойдаланувчи мижозлар учун тизимнинг барча функционал хусусиятларига эга бўлган бир неча афзаллик мавжуд, яъни келажак сана билан тўловларни

жамлаш, такрорий битимлар учун тўлов шаблонларини сақлаб қолиш (бунда қўшимча дастурий таъминот ўрнатиш учун зарурат йўқ), замонавий услубга эга хавфсизлик тизимининг мавжудлиги, маълумотларни шифрлаш, импорт/экспорт қилиш орқали бошқа бухгалтерия дастурлари билан интеграциялаш ва бошқалар. «Интернет-Банк» тизими йирик ташкилотлар учун тўлов оқимини мослашувчан равишда созлаш хусусиятига эга. Мисол учун, бир неча авторизация кўринишида, яъни Бош ҳисобчи – Бошқарувчи раҳбар – Банк. Бу ҳолда, ҳисобчи ҳеч бир тўловни раҳбариятнинг тасдиғисиз банкка жўната олмайди, лекин барча банк операцияларини ўтирган еридан назорат қилиш имкониятига эга.

Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, хорижий валютада ишловчи мижозлар учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида 2011 йилдан бошлаб Ўзбекистон тижорат банклари-

да биринчилардан бўлиб «Трастбанк» ХАБ томонидан Интернет-Банк тизимида қўшимча равишда мижозларнинг ўзлари валюта тўловларини мустақил равишда амалга оширишлари учун имконият яратилган. Мазкур хизмат тури мижозларимизнинг валюта тўловларини ҳам жойидан туриб реал вақт режимида амалга ошириш ва уни назорат қилишларига имкон берди ҳамда Банк-Мижоз ўртасида масофадан туриб тўловларни амалга оширишга шароит яратиш билан бирга, мижознинг банкка ташриф буюриши, қоғозбозлик ва ортиқча оврагарчиликларга чек қўйди.

Валюта тўлови буюртмасини бажариш учун MT103 тўлов хабарномасининг халқаро форматидан фойдаланилади ва мижоз учун қўшимча авторизатор яратилади. Амалга ошириладиган тўлов тизимда йиғилади, йирик ташкилот раҳбари томонидан текширилади, кейин банкка тўлов амалга оширилиши учун жўнатилади, банкда бевосита тўлов жараёнида ҳам учта текширувдан ўтади: оператор, ваколатли шахс, авторизатор. Банк ходимлари фаолият тури, шартноманинг мувофиқлиги ва зарурий майдонларнинг тўғри тўлдирилганлигини текширувдан

Ўзбекистон банк секторида инновацион ечимларнинг кашфиётчиларидан саналмиш «Трастбанк» ХАБ ўз мижозларига «СМС-Банк» хизматини 2005 йилдан эътиборан таклиф этган.

ўтказгандан сўнг, тўловни корреспондент-банк орқали SWIFT тизими ёрдамида амалга оширадilar.

«Трастбанк» ХАБ масофавий банк хизматларини такомиллаштириш борасида доимий иш олиб боради. Банк томонидан 2015 йилда «Мобиль-Банк» тизимининг қўшимча хизматлари жорий этилган. Ушбу хизмат банк мижозларига турли тўловларни амалга ошириш, яъни реал вақт режимида масофадан туриб планшет, компьютер ёки ўз смартфонлари орқали ҳисоб-китобларни бажариш имконини беради.

Мобиль алоқа технологиялари ривожланиши даврида мижозлар учун қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида тижорат банклари ўз мижозларининг ҳисобварақлари ҳолати ва мобиль телефон орқали амалга оширилган операциялар ҳақида маълумот олишга мўлжалланган СМС-банк тизимини фаол жорий эта бошладилар. Ўзбекистон банк секторидан инновацион ечимларнинг кашфиётчиларидан саналмиш «Трастбанк» ХАБ ўз мижозларига «СМС-Банк» хизматини 2005 йилдан эътиборан таклиф этган.

Киосклар ҳозирда банк офисларида, йирик савдо марказларида, аэропортларда, темирйўл вокзаллари станцияларида ўрнатилган бўлиб, мижозлар куннинг исталган вақтида онлайн-тўловларни амалга оширишлари мумкин.

Электрон тижорат орқали банкларда маблағ айланиши тезлашади ва банк операциялари қисқа фурсатда бажарилишига эришилади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, хусусий банклар ҳар қандай мамлакат кредит ва молия тизимининг ажралмас қисмидир. Бугунги кунда хусусий банклар томонидан мижозларга турли хил банк маҳсулотлари ва хизматларининг 100дан ортиқ турлари жорий этилган бўлиб, уларнинг аксарияти замонавий ахборот технологияларига асосланган.

Технологик тараққиёт билан олға интилаётган банклар, албатта, ўз бизнес жараёнларини ривожлантиришлари, шунингдек, дастурий таъминотларни янгилаб бориш орқали инкор этилмай диган устунликка эга бўлишлари табиий ҳол.

Ўзбекистонда 2004 йилда «Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган. 11 йил ўтгач, 2015 йилда унинг янги таҳрири тасдиқланган, у айна пайтгача амал қилиб келмоқда. 2018–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида электрон тижорат-

ни ривожлантириш дастурида ушбу соҳадаги норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, хусусан, қонунга бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган.

Мазкур Қонун банкларга нима берди? Электрон тижорат орқали банкларда маблағ айланиши тезлашади ва банк операциялари қисқа фурсатда бажарилишига эришилади. Шу сабабли банклар тўлов тизими сифатида электрон тижоратни ривожлантиришга қизиқиш билдиришмоқда ва уларнинг тўлов тизимлари бир-биридан алоҳида ҳисобга олинмайди. Улар параллел равишда фаолият юритади, электрон тижоратда юзга келадиган ҳар бир оқим банк тизимида такрорланиши керак. Яъни товар ҳаракати маблағлар ҳаракатига сабаб бўлади. Банкнинг электрон тижорат тизимида иштирок этиши қуйидаги афзалликларга эга:

- Харидорни жалб қилади;
- Мижоз маблағини жалб қилади;
- Мижоз учун қулай иш усулларини яратади.

Бу амалёт янги турдаги операцияларни ўзлаштириб, банкнинг рентабеллигини ошириш учун омил бўлиб хизмат қилади, яъни бу анъанавий операциялар ҳажмининг ортиши ва айна пайтда

ушбу жараён билан боғлиқ тўловлар миқдорининг ошишига олиб келади.

Банк хизматининг яна бир янги тури – бу ахборот киоскидир. Бу сенсорли терминални ўз ичига олган дастурий-аппарат мажмуи бўлиб, уни мижоз калитсиз бошқариши ёки ундан бармоғини экранга текказиш йўли билан фойдаланиши мумкин. Бу киоск қўшимча ускуналар билан жиҳозланган ва банкнинг маҳаллий тармоғи, яъни интернетга, автоматлаштирилган банк тизимига ва ҳоказоларга уланиши талаб этилади. Мазкур киосклар фойдаланувчига (коммунал тўловларни қабул қилиш, тўлаш ва бошқа) хизмат кўрсатишда айниқса муҳимдир. Бундай киосклар ҳозирда банк офисларида, йирик савдо марказларида, аэропортларда, темирўл вокзаллари станцияларида ўрнатилган бўлиб, мижозлар куннинг исталган вақтида онлайн-тўловларни амалга оширишлари мумкин. Замонавий электрон банк хизматларининг кўпайиши нархлар пасайиши ва харажатлар камайишига олиб келади.

Изчил изланишлар «Трастбанк»нинг муттасил ўсиб бориши ва фаолиятнинг янада барқарорлашувига, тармоқлар бўйича мижозлари доира-

Замонавий электрон банк хизматларининг кўпайиши нархлар пасайиши ва харажатлар камайишига олиб келади.

си ва ҳамкорлари географиясининг янада кенгайишига имконият яратмоқда.

Банк жамоаси илғор, самарали, энг яхши сифатга эга маҳсулот ва хизматларни кўрсатувчи ҳамда юқори молиявий натижаларни кўзловчи замонавий банклардан бири бўлиш учун ўзининг бор куч-ғайратини сафарбар этмоқда.

Хусусан, сўнгги вақтларда «Трастбанк» томонидан ахборот технологияларининг тараққиёти учун инвестициялар йўналтириш бизнесни муваффақиятли ривожлантиришнинг ҳамда рақобат кучаяётган ҳозирги шароитда бозор мавқеини мустаҳкамлашнинг зарурий шarti сифатида қаралмоқда.

Чунончи, банк замонавий ахборот технологиялари воситасида хизматлар сифатини янада ошириш ҳамда уларнинг турини кўпайтириш юзасидан зарур чора-тадбирларни белгилаб, ижросини босқичма-босқич амалга ошириб келаяпти. Банкда «Интернет-банкнинг», «SMS-

банкнинг» ва «Банк-Мижоз» каби масофавий банк хизматларининг жорий этилгани мижозларга қулайлик туғдирмоқда. Ҳозирда банк мижозларининг 50-60 фоизи «Интернет-банкнинг» хизматидан фойдаланаётган бўлса, яқин истиқболда бу кўрсаткични 100 фоизга етказиш режалаштирилган.

Шунингдек, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2018 йилнинг 23 мартида қабул қилинган «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида, «Трастбанк» хусусий акциядорлик банки ҳам замонавий ахборот технологиялари асосида банк хизматлари кўрсатишни жорий этиш, электрон тижоратни йўлга қўйиш ҳамда электрон тўловлар тизими орқали ҳисоб-китоблар самарадорлигини ошириш, жумладан, инновацион ахборот технологияларини кенг миқёсда жорий қилиш мақсадида қатор ишларни амалга оширмоқда.

Хусусан, Банкнинг барча филиаллари мижозларга кўрсатиладиган банк хизматлари сифатини ошириш тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда куннинг исталган вақтида, яъни ҳафтанинг 7 кунини 24 соат давомида узлуксиз ишловчи ўз-ўзига хиз-

Ҳозирда банк мижозларининг 50-60 фоизи «Интернет-банкнинг» хизматидан фойдаланаётган бўлса, яқин истиқболда бу кўрсаткични 100 фоизга етказиш режалаштирилган.

Банкда эшитиш қобилияти заиф ва сўзлашув имкониятидан маҳрум бўлган инсонлар учун «Сурдо-онлайн» хизмат кўрсатувчи Call-марказ ўз фаолиятини бошлаган.

мат кўрсатувчи электрон тизимни йўлга қўйди.

Албатта, мижозларга узлуксиз масофавий банк хизматлари кўрсатишни банкомат ва инфокиоскларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ушбу ускуналардан фойдаланиш осон ва қулай бўлиб, улар мижоз ва кассир ўртасидаги аъъанавий муомалага чек қўйиши, ўзига хос мини-банк-офис вазифасини бажариши билан эътиборга лойиқдир. Мазкур банкоматлардан мижоз нафақат нақд пул ечиб олишда фойдаланиши, балки улар орқали товар ва хизматлар бўйича турли тўловларни амалга ошириш, коммунал тўловлар тўлаш, кредит бўйича қарздорликни сўндириш ҳамда сўм пластик карта ёрдамида амалга оширилиши кўзда тутилган барча турдаги банк хизматларини мустақил бажариш имкониятига эга.

Шу билан бирга, электрон хизмат услубларини янада такомиллаштириш, аҳолига банк хизматлари кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, инновацион технологияларга асосланган банк хизматлари сифати ва улардан фойдаланиш имкониятлари ривожига салмоқли ҳисса қўшиш мақсадида 2018 йил якунида Банкнинг «Дархон» филиали томонидан аҳолининг муайян

ижтимоий қатлами, ҳатто эшитиш қобилияти заиф ва сўзлашув имкониятидан маҳрум бўлган инсонлар учун «Сурдо-онлайн» хизмат кўрсатувчи Call-марказ ўз фаолиятини бошлаган бўлса, бугунги кунга бу хизмат тури банкнинг барча филиалларида жорий этилди.

Банк хизматларидан фойдаланиш мақсадида «Трастбанк» филиалларига ташриф буюрган ногиронлиги бўлган шахсни филиал администратори кутиб олади, администратор дарҳол планшет орқали имо-ишора тилини узатувчи онлайн видео чат ёрдамида хизмат таржимонлари билан боғланади. Ушбу нуқтада махсус мутахассис бевосита мижоз ва банк ходими ўртасида воситачилик вазифасини бажаради. Банк администратори мижоз билан биргаликда юриб, уларга бевосита банк хизматларидан фойдаланишга кўмаклашади.

Дарҳақиқат, эшитиш қобилияти заиф ёки умуман гапира олмайдиган инсонлар соғлом инсонлардан фарқ қилмайди, аммо доим мулоқотда қийинчиликларга дуч келишади. Бироқ, Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотлар ва эзгу амаллар, аҳолининг ижтимоий заиф қатлами, яъни

ногиронлиги бўлган шахслар ҳам меҳнат фаолиятига оид имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари учун шароит яратмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, «Трастбанк» ХАБ замон билан ҳамнафас иш юритиб, ўтган йиллар давомида малякали жамоа, мижозлар ва ҳамкорларнинг банкка бўлган ишончи, замонавий банк технологиялари, самарали риск-менежмент тизими, хизмат кўрсатишнинг юқори сифат даражасига асосланган барқарор бизнес фаолиятини йўлга қўйди. Фаолиятнинг 25 йиллик даври мобайнида эришилган юқори натижалар «Трастбанк»нинг келгусидаги янги ютуқлари сари пойдевор бўлиб хизмат қилади.

ABSTRACTS

THE CURRENT STAGE OF MODERN BANKING SERVICES BEING RENDERED TO POPULATION

The article is devoted to the current stage of modern banking services being rendered to population in Uzbekistan. The provision of banking services is an important feature of the modern banking system in all countries of the world. Today, commercial banks of Uzbekistan are trying to provide their clients with a wide range of services in order to expand the revenue base, increase their profitability and competitiveness.

ЦИФРОВАЯ ТРАНСФОРМАЦИЯ БАНКОВСКОГО СЕКТОРА УСКОРИТСЯ



*Любовь Олейник,
менеджер проекта
Центра по анализу
мировых рынков,
инвестиций и технологий
при НБ ВЭД РУ*

Сегодня уже никто не сомневается в необходимости цифровизации мировой экономики. Цифровая революция уже происходит: бизнес откажется от неэффективных прежних моделей и бизнес-процессов, старых методов коммуникаций и переходит в фазу высоких скоростей. Во всем мире практически каждый человек пользуется гаджетами и современными цифровыми сервисами, начиная от соцсетей, телевидения и заканчивая госуслугами. Драйверами изменений выступает современный потребитель и изменения в его предпочтениях и форме потребления инновационных продуктов и услуг.

Цифровая трансформация – это неизбежный процесс, который переживает мировой бизнес, адаптируясь к новым условиям и предпочтениям общества цифровой экономики.

Согласно прогнозам ведущих мировых экспертов, к 2020 году четверть мировой экономики будет цифровой, и внедрение технологий цифровизации экономики, позволяющих государству, бизнесу и обществу эффективно взаимодействовать, становится все более масштабным и динамичным процессом. Более 15 стран мира реализуют на-

циональные программы цифровизации: Дания, Норвегия, Великобритания, Канада, Германия, Саудовская Аравия, Индия, Россия, Китай, Южная Корея, Малайзия, Сингапур, Австралия, Новая Зеландия и Казахстан. Китай в своей программе «Интернет плюс» интегрирует цифровые индустрии с традиционными. Сингапур формирует «Умную экономику», Канада создает ИКТ-хаб в Торонто, Южная Корея в программе «Креативная экономика» ориентируется на развитие человеческого капитала, предпринимательство и распространение достижений

ИКТ, а Дания фокусируется на цифровизации госсектора.

Цифровизация финансового рынка изменит и бизнес-процессы банков, и их подходы к обслуживанию клиентов. Привычные банковские продукты превращаются в гибкие сервисы, доступные 24/7, которыми можно воспользоваться из любой точки мира.

Создание цифрового банка – это оптимизация процессов, новая организационная культура и гибкие ИТ-решения, предоставляющие возможность поддерживать скорость выведения продуктов на рынок и персонализацию предложений. Задачи цифровизации аккумулируются в рамках единой банковской платформы, отвечающей вызовам новой цифровой экономики. Банки вкладывают крупные инвестиции в разви-

Привычные банковские продукты превращаются в гибкие сервисы, доступные 24/7, которыми можно воспользоваться из любой точки мира.

Таблица

Ведущие цифровые банки мира по размеру клиентской базы

№	Банк	Материнская компания	Страна	Количество клиентов (млн.)
1	ING Diba	ING Group	Германия	8,5
2	CapitalOne 360	CapitalOneFinancial	США	7,8
3	USAA Bank	USAA	США	7
4	FNBO Direct	FirstNationalofNebraska	США	6
5	RakutenBank	Rakuten	Япония	5
6	TinkoffBank	-	Россия	5
7	TIAA Direct	TIAA-CREF TrustCompany	США	3,9
8	DiscoverBank	DiscoverFinancialServices	США	3,5
9	AliorBank	-	Польша	3
10	DKB AG	-	Германия	3

Источник: Frost & Sullivan и Сбербанк КИБ.

тие бизнес-модели «Цифровой банк».

Переход от традиционных банков к цифровым и глубокое изучение потребностей клиентов – этот тренд уже прочно закрепился в программах международных дискуссий на экономических форумах и конференциях. Конечно, он иногда уступает блокчейну, но по сути является более важной темой для развития цифровых банков.

Уже действующие цифровые банки предлагают большую часть своих продуктов и услуг в цифровом виде с использованием цифровых каналов. Инфраструктура такого банка оптимизирована для цифровых коммуникаций и готова к быстрой смене технологий. Количество таких банков растет, и наибольшего развития получают те банки, у которых отсутствуют собственные офисы и банкоматы. Они мобильнее изучают привычки своих клиентов, предлагая широкий спектр услуг, а также дополнительные нефинансовые услуги. В основе новых цифровых решений банки обеспечивают высокую доступность и

гибкость сервисов, наполненность функциями, удобство использования и безопасность.

Банкам есть о чем волноваться. К 2020 году молодое поколение будет составлять 60% работающих. Это именно то поколение, которое родилось с интернетом и смартфоном – и не помнит эпоху до Google, Apple, Facebook и Amazon. 33% этих молодых людей считает, что банки им не нужны вообще. А 75% полагают, что лучше пользоваться финансовыми услугами от Google и Amazon.

По подсчетам Juniper, в 2021 году уже 3 млрд. жителей Земли будут пользоваться банковскими сервисами на смартфонах и компьютерах. Аналитики провели исследование и выяснили, что наибольшего успеха в цифровой трансформации добились BancoSantander, BankofAmerica, Barclays, BBVA, BNP Paribas, Citi, HSBC, JP MorganChase, RBS, SociétéGénérale, UniCredit и WellsFargo.

◆ BankofAmerica протестировал первые банковские отделения без обслуживающего персонала. Они оснащены

только банкоматами и специальными комнатами для видеоконференцсвязи с банковскими работниками (на случай, если нужно обсудить какие-то детали персонально). Сначала банк протестирует реакцию клиентов на такие мини-отделения, но вполне возможно, что в будущем перейдет на робо-банкинг.

◆ Barclays, у которого уже 6,5 млн пользователей мобильных приложений (каждый из них в среднем логинится в нем 26 раз в месяц), планирует открыть еще один цифровой канал обслуживания – Facebook.

◆ BNP Paribas принял решение потратить на цифровую трансформацию 3 млрд. евро. Перевод обслуживания клиентов в цифровые каналы уже позволил банку на 10% сократить количество розничных отделений во Франции.

Развитие социальных сетей и мобильных решений, искусственного интеллекта, интернета создают пути включения в гонку цифровых технологий и помогают сохранить свою конкурентоспособность в условиях умного цифрового мира:

❖ **Интеграция видео** позволит упростить процедуру подачи отчетности о повреждениях в результате ДТП в страховую компанию или с минимальными затратами оптимизировать процесс взаимодействия пользователя с банкоматом. Около 80% поставщиков финансовых услуг рассматривают видео-банкинг в качестве инструмента, который позволит улучшить клиентский опыт и сократить расходы.

❖ **Применение чат-ботов и виртуальных помощников** позволит поддерживать разговор с клиентами практически на любую тему, начиная с информации об их счетах и заканчивая историей расходов, предоставлять персонализированные рекомендации и предложения. По оценкам экспертов, европейские финансовые учреждения могут добиться экономии издержек до 90% за счет автоматизации рабочих процессов с помощью решений, подобных чат-ботам.

❖ **Использование роботов-консультантов:** с помощью технологий искусственного интеллекта банки могут создавать интеллектуальные механизмы, которые будут способны предлагать консультации практически по всем вопросам, начиная с инвестиционных возможностей и заканчивая персонализированными подходами к накоплению сбережений. Это достигается за счет использования открытой интегрированной архитектуры, которая позволяет добиться единого унифицированного представления всей банковской информации клиента.

По оценкам Gartner, к 2020 году порядка 100 млн человек будут осуществлять покупки в виртуальной реальности. По мнению Avaya, банковскими услугами также будут пользоваться в виртуальной реальности. Для оптимизации сбережений будут использоваться и технологии дополненной реальности. Исследование, проведенное специалистами из Стэнфорда, показало, что потребители, увидевшие с помощью цифровых технологий свое будущее в пенсионном возрасте, готовы откладывать вдвое больше денег на долгосрочные накопления и т.д.

Основными тенденциями цифровизации банков является автоматизация бэк-офисных операций и операционных процессов, развитие технологий электронных платежей, использование аналитики и переход на облачные технологии.

Остановимся немного подробнее на этих тенденциях.

1) Цифровизация бэк-офисных операций позволяет снизить расходы и удешевить продукты, ускорить их запуск и модификацию, а также улучшить клиентский опыт и облегчить соответствие законодательным требованиям.

Немецкий Commerzbank запустил онлайн-приложение Global Payment Plus, которое помогает корпоративным клиентам управлять всеми их банковскими счетами в соответствии с локальными нормативами из одного приложения, получая информацию по счетам, централизованно обрабатывая и управляя международными транзакциями.

2) Автоматизация операционных процессов помогает быстрее выявлять «аномалии», сокращать ущерб от мошеннических операций и экономить. С помощью автоматизации повторяющихся задач со значительным вовлечением больших массивов данных уже реально экономить до 25%. Программу, которая преобразует данные кредитного договора и проводит проверку за секунды, запустил JPMorgan. COIN (contract intelligence) позволяет банку сократить количество ошибок, которые могли появиться в результате ручного процесса.

3) Существенные изменения в технологиях вынуждают банки инвестировать в цифровизацию системы корпоративных платежей. Основное внимание нацелено на стандартизацию корпоративных

Исследование, проведенное специалистами из Стэнфорда, показало, что потребители, увидевшие с помощью цифровых технологий свое будущее в пенсионном возрасте, готовы откладывать вдвое больше денег на долгосрочные накопления.

платежей, их более «умную» обработку, полнофункциональные сервисные платежные хабы, позволяющие гибко и в режиме реального времени обрабатывать платежи. Подобный проект корпоративных платежей в режиме реального времени в пилотном режиме реализует BNP Paribas, а также DBS, запустивший мобильное платежное решение (Ideal) для клиентов, которое превращает телефон в виртуальный токен, используемый для авторизации.

4) Использование предиктивной аналитики позволяет проводить кредитный скоринг более точно и эффективнее управлять рисками, снижая затраты и повышая доходность кредитования. ING и Santander привлекли компанию Kabbage, которая проводит анализ больших объемов данных из открытых и закрытых источников для оценки рисков и кредитоспособности потенциальных заемщиков по кредитам.

ЦИФРОВАЯ ТРАНСФОРМАЦИЯ БАНКОВ В РОССИИ

Несмотря на растущие темпы цифровизации, полностью цифровых банков на российском рынке пока немного. Однако традиционные банки создают в своей структуре или вне ее блоки цифрового бизнеса и стремятся быть в тренде, внедряя отдельные цифровые решения.

Причиной этому является специфичность каждого конкретного банка, наличие жестких регламентов, малая гибкость сформированных ра-

По прогнозам консалтинговой компании Boston Consulting Group (BCG) в ближайшие пять лет 30% выручки в мировом традиционном корпоративном банкинге будет получено исключительно через цифровые каналы.

нее ИТ-инфраструктур, и как следствие – сложность интеграции с новыми решениями. По данным опроса TAdviser, все крупные банки (ТОП 30) подтверждают свой интерес и готовность двигаться в сторону цифровизации. 100% из них уже автоматизировали дистанционное банковское обслуживание (интернет и мобильный банк). Отдельные банки в настоящий момент обновляют эти решения, или же рассматривают их замену. 95% опрошенных автоматизировали программы лояльности. У всех реализован кредитный конвейер.

По прогнозам консалтинговой компании Boston Consulting Group (BCG), в ближайшие пять лет 30% выручки в мировом традиционном корпоративном банкинге будет получено исключительно через цифровые каналы. При этом у корпоративных банков есть два-три года для того, чтобы провести комплексную цифровую трансформацию, и российские банки с этой точки зрения не отстают от своих западных коллег, а в ряде направлений вовсе являются пионерами, что следует из нового отчета BCG «Мировой корпоративный банковский бизнес: как достичь успеха с помощью цифровизации».

Аналитики Boston Consulting Group выделяют три наиболее эффективных направления цифровой трансформации для корпоративных банков:

◆ первое – цифровизация всего взаимодействия клиента и банка, что принесет выгоду как с точки зрения удовлетворенности клиентов, так и с точки зрения затрат на внутренние процессы;

◆ второе – использование цифровых инструментов для поддержки продаж, таких как удаленный интерфейс клиентского менеджера, динамическое ценообразование, использование искусственного интеллекта для цифровизации рутинных операций и другие;

◆ третье – банкам необходимо выстроить систему управления большими данными и адаптировать к новым требованиям ИТ-архитектуру.

В области разработки и внедрения цифровых решений «МТС-Банк» является лауреатом премии «ИТ-ЛИДЕР» 2018 года в номинации «Коммерческие банки». В 2016 году он начал цифровую трансформацию, а также стал активно использовать облачные сервисы. В облако были перенесены такие информационные системы кредитной организации, как антифрод, мониторинг, интернет-банк, корпоративный портал

и некоторые внутренние системы управления ресурсами. В 2017 году банк одновременно запустил 22 новых проекта. Возможность получить быстрый доступ к облачной инфраструктуре для большинства из них стала одним из ключевых факторов успеха.

«Тинькофф Банк» полностью сфокусировался на дистанционном обслуживании.

Если речь идет о центрах обработки данных, высокоскоростных и безопасных каналах передачи данных, то 90% кредитов в «Сбербанке» (Россия) одобряет робот в течение минуты. Клиентам даже нет необходимости посещать офис, можно оформить все через интернет и получить деньги на свой счет.

ЦИФРОВОЙ РЫВОК В УЗБЕКИСТАНЕ

В соответствии с принятыми решениями Правительства от 9 января 2018 года Узбекистан официально взял курс на цифровизацию банковской системы и цифровой экономики в целом. Для быстрой цифровой трансформации бизнеса привлекаются ведущие специалисты из разных стран и используется лучший мировой опыт – на глобальном уровне осуществляется сотрудничество с крупнейшими IT-компаниями: IBM, Oracle, SAP, консультационными компаниями – «большой четверкой».

Банки разрабатывают долгосрочную стратегию своего развития и осуществляют пошаговую ее реализацию: подбор, поставка и наладка оборудования, выбор лучшего программного обеспечения,

мобильных приложений, интеграция всех программных продуктов.

В Узбекистане происходят глобальные перемены. С открытием рынка банки стремятся достичь мирового уровня, встать в один ряд с ведущими зарубежными банками. Возможно, резкий скачок произойдет в течение 3-5 лет, т.к. это огромная работа – создание инфраструктуры, центра обработки данных, системы связи – которую не видит конечный пользователь.

Если раньше банки Узбекистана больше работали с корпоративными клиентами, то сегодня они сосредоточены на поддержке малого и среднего бизнеса и развитии розничного бизнеса. Сейчас банки Узбекистана поворачиваются лицом к народу – клиенты получили возможность быстрого доступа к обслуживанию, сами же банки сократили операционные расходы. Конечно же, требовательная аудитория делает свой выбор в пользу крупных банков, но при этом даже корпоративные клиенты уходят туда, где есть современный клиентский сервис.

Варианты своего развития каждый банк выбирает самостоятельно: создавать команды внутри (для этого нужны серьезные инвестиции и время) либо использовать современные коммерческие решения. Выживание на изменяющемся рынке – дело добровольное, но новые технологии, финтехконкуренты и изменения в клиентских ожиданиях представляют собой не только вызовы, но и возможности для банковских организаций. Если банки не

успеют трансформироваться, то велик риск прихода на рынок игроков с российского, казахского и других рынков, которые могут «поглотить» национальную банковскую систему.

Цифровые банки в Узбекистане пока еще не зарегистрированы, но каждый банк должен жить со скоростью изменений, которые происходят вокруг. Развитие информационных систем и услуг, проводимые государством реформы законодательства в сфере банковского дела, создание каналов связи и инфраструктуры, запуск банками новейших технологий, создание мгновенной обратной связи с потребителями, наличие онлайн-чатов и индивидуального подхода – вот будущее банковской системы страны. Главное, что банки готовы к переменам.

ABSTRACTS

THE DIGITAL TRANSFORMATION OF THE BANKING SECTOR WILL BE ACCELERATED

The article is devoted to the digital transformation of the banking sector.

The digital revolution is already taking place: the business is abandoning inefficient previous models and business processes, old methods of communication, and is entering a phase of high speeds. Drivers of change are modern consumers and changes in their preferences and the form of consumption of innovative products and services.

ЯНГИ БАНК ХИЗМАТЛАРИ, УЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Зафар Умаров, и.ф.н., доцент,

Тошкент молия институтининг Банк ҳисоби ва аудит кафедраси мудири

Тижорат банкларининг рақобатбардошлигини таъминлашда энг самарали йўл мижозларнинг унга бўлган ишончини қозониш ва улар учун барча қулайликларни яратиш, шунингдек, хизматлар тури, сифати ва тезкорлигини ошириш ҳисобланади. Банклар рақобатбардошликни таъминлаши учун замонавий банк хизматларини жорий этишга, янги технологиялардан фойдаланишга янада кўпроқ эҳтиёж сезмоқдалар.

Аҳолининг турмуш даражаси яхшиланиши, замонавий билимларни эгаллаши натижасида уларнинг янги молиявий хизматларга бўлган талаблари ортмоқда. Тижорат банклари хизматларининг тезкорлиги, сифати, тўғрилиги, хавфсизлиги ва ишончлилиги банк мижозларининг талабидир. Замонавий масофавий банк хизматлари ана шу талабларга жавоб бера олади.

2018 йил 23 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги 3620-сонли Қарори қабул қилиниши банк хизматларини кўрсатишда мавжуд муаммолар ва банклар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларни белгилаб берди. Жумладан, банк фаолиятининг илғор халқаро тажрибасини ўрганиш ҳамда банк хизматлари ва маҳсулотларининг янги турларини

жорий этиш; банклар филиаллари ва мини-банклар қоплалиниши ҳамда банк хизматларига бўлган эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда банклар филиаллари ва мини-банклари тармоғини кенгайтириш; филиалларнинг кредит ажратишда бош банклар билан қўшимча келишувсиз мустақил қарорлар қабул қилиш бўйича ҳуқуқларини кенгайтириш; транзакцияларнинг хавфсиз ва узлуксиз амалга оширилишини таъминловчи миллий чакана тўлов тизимини тузиш ва ривожлантириш; қулай тўлов хизматларини яратиш ва ривожлантириш; нақд пулсиз тўловларни амалга оширишда инновацион маҳсулотларни, шу жумладан, бевосита муло-

қотсиз ва мобиль технологияларни ривожлантириш ҳамда илгари суриш; бевосита мулоқотсиз ва мобиль технологияларни, биринчи навбатда, ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш, транспорт, савдо, умумий овқатланиш соҳаларида, айниқса, ҳудудларда жорий этиш; халқаро тўлов тизимлари билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш ва бошқалар.

Албатта, бу чора-тадбирлар бажарилишига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Шундай бўлса-да, янги банк хизматларини жорий қилиш ва уларни кўрсатишни кенгайтириб бориш – давр талаби.

Республикада банк тизими ва унинг фаолияти

Тижорат банклари хизматларининг тезкорлиги, сифати, тўғрилиги, хавфсизлиги ва ишончлилиги банк мижозларининг талабидир. Замонавий масофавий банк хизматлари ана шу талабларга жавоб бера олади.

жаҳон андозаларига тобора яқинлашиб бормоқда. Банк тизимини эркинлаштириш ва эркин рақобат шароитига мослаштириш кўзда тутилган бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги ПҚ-3270-сон Қарори қабул қилиниб, кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини янада ошириш ҳамда тадбиркорлик субъектлари билан тўлақонли ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш учун тижорат банкларининг иш услубларини тубдан яхшилаш, аҳоли ва хўжалик субъектларининг банк тизимига ишончли институционал ҳамкор сифатида қарашларини мустақамлаш вазифалари долзарб эканлиги қайд этиб ўтилган.

Банк хизматлари билан қондириладиган молиявий эҳтиёжлар дастлабки ишлаб чиқариш ва шахсий эҳтиёжларнинг ҳосиласи, яъни иккиламчи эҳтиёжлар бўлиб ҳисобланади. Албатта, банк хизматлари қондирадиган эҳтиёжлар турли-тумандир. Бу ишлаб чиқариш эҳтиёжлари (банк кредити орқали иш-

Банк хизматлари дастлабки ишлаб чиқариш ва шахсий эҳтиёжларни эмас, балки уларнинг ҳосиласи бўлган молиявий эҳтиёжларни қондиради.

лаб чиқаришни кенгайтириш, мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоб-китоблар тизими орқали ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлаш) ва шахсий эҳтиёжлар (активлардан олинadиган даромадлар ҳисобига бошқа эҳтиёжларни қондирадиган, пуллар ва бошқа бойликларни омонатда ёки банк сейфида сақлаш орқали уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, улардан фоизли даромадларга эга бўлиш ва бошқ.) бўлиши мумкин. Лекин айтиб ўтилган барча эҳтиёжлар бевосита банк хизматлари билан қондирилиши мумкин эмас. Банк хизматлари дастлабки ишлаб чиқариш ва шахсий эҳтиёжларни эмас, балки уларнинг ҳосиласи бўлган молиявий эҳтиёжларни қондиради. Бу кредит муассасалари ўртасида мижозларнинг маблағлари учун курашиш, ўз маҳсулотлари ва хизматларини таклиф этиш бўйича рақобатни кучайтиради. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон банк-

лари ўз хизматларини етарли даражада шакллантиришга эришди. Бироқ банклар ўртасидаги рақобат кураши уларни қўшимча мижозлар жалб этиш ҳамда кўрсатилаётган хизматлар доираси ва сифатини кенгайтириш масаласига янгича ёндашишга ундамоқда.

Банк хизматлари деганда тижорат банкларининг тезкор ва стратегик фаолияти ҳамда самарали бошқариш билан бевосита боғлиқ бўлган ҳаракатлар мажмуи тушунилади. Банк хизматлари янги хизматларни таклиф этиш ва уларнинг сифат хусусиятларини яхшилаш йўли билан мижозларни жалб этишга қаратилган. Банк хизмати банк операцияларини оптимал даражада бажаришга кўмаклашади, ишлаб чиқилган ва кўрсатилган банк хизматлари эса банк операциялари билан биргаликда банк маҳсулотини яратади¹.

Банк хизматлари ҳақиқатан ҳам банк фаолияти мажмуи, мижозларнинг банк фаолиятига бўлган талабларини қондириш билан боғлиқ бўлган хизматлардир. Шу билан бир қаторда, банк хизмати тушунчасига банк операциялари оптималлашуви ҳам муҳим элемент сифатида киритилди, чунки банклар хизматнинг у ёки бу турини

Банк маҳсулоти – алоҳида кўринишдаги банк фаолиятининг мижозлар талабини қондиришга қаратилган, ўзаро боғлиқ бўлган банк хизматлари ва операцияларининг мажмуи.

¹ Алиқориев О.Ф. Тижорат банкларида молиявий хизмат турларини ривожлантириш йўналишлари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган автореферат. – Тошкент, 2011. – 28 б.

Мижозлар талабини қондиришга йўналтирилган хизматлар ва операциялар натижаси банк маҳсулотини ташкил этади.

танлашда ушбу операциянинг самарадорлиги, қулайлиги ва сифатлилиги даражасига эътибор беришлари ва ушбу кўрсаткичлар уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш асоси ҳисобланишини ҳис этмоқлари лозим.

Банк маҳсулоти – алоҳида кўринишдаги банк фаолиятининг миждозлар талабини қондиришга қаратилган, ўзаро боғлиқ бўлган банк хизматлари ва операцияларининг мажмуи².

Бизга маълумки, маҳсулот – бу фаолият натижасидир. Шундай экан, миждозлар талабини қондиришга йўналтирилган хизматлар ва операциялар натижаси банк маҳсулотини ташкил этади.

Банк операцияси – банк томонидан амалга оширилувчи пул маблағлари жойлашини назарда тутувчи ва аниқ иқтисодий масалани ечишга қаратилган ўзаро боғлиқ бўлган банк ва миждоз ҳаракатлари мажмуи.

Тижорат банклари хизматларини уларнинг иқтисодий мазмунига ва кўзланган мақсадга кўра икки йирик гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Банкнинг ликвидлилигини сақлаб туриш учун бажариладиган хизматлар.
2. Даромад олиш мақсадида бажариладиган хизматлар.

Ушбу икки хизматлар гуруҳи ўртасида маълум нисбат мавжуд бўлиб, улар банк фаолиятини сифат жиҳатдан маълум даражада таъминлаб туриш имконини беради. Банк ликвидлилигини таъминлаш мақсадида бажариладиган хизматларнинг баъзи турлари банкка даромад келтирса-да, улар мавжудлигининг сабаби банк умумий ликвидлилигини маълум даражада ушлаб туришдан иборатдир.

Халқаро амалиётда хизматлар бозори ривожланиши аъналарини ўрганиш асосида банк хизматлари сифати даражасининг миждозларга кўрсатилаётган телекоммуникацион хизматлар ривожланиши даражасига боғлиқлиги яққол намоён бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда тижорат банклари томонидан бажариладиган хизматлар сони ошиб бориши миждозлар учун қулайликлар яратади ва миждозлар банкни хизматлари-

нинг сифатига қараб танлаши имконияти яратилади. Кўрсатиладиган хизматлар тижорат банклари учун маълум миқдорда даромад олиб келади. Кейинги йилларда банк хизматларининг турлари ва миқдори ўсиб, бу банк фаолиятининг сезиларли йўналишларидан бирига, уларнинг даромад манбаига айланиб бормоқда. Ўзбекистонда тижорат банклари фаолиятининг таҳлили шуни кўрсатадики, банк даромадида асосий ўринни ҳар хил хизматлардан келадиган тушумлар ташкил қилади.

Банк хизматлари ривожланишига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

1. Аънавий;
2. Ноаънавий.

Банкларнинг аънавий хизматлари 1-чизмада кўрсатилган.

Тижорат банкларининг аънавий банк хизматларига банкларнинг ташкил топиши билан миждозларга кўрсатиб келинаётган банк хизматлари кириб, улар барча банкларга хосдир. Яъни, тижорат банкларининг кредитлаш операциялари ва депозит операциялари аъна-

Банк ликвидлилигини таъминлаш мақсадида бажариладиган хизматларнинг баъзи турлари банкка даромад келтирса-да, улар мавжудлигининг сабаби банк умумий ликвидлилигини маълум даражада ушлаб туришдан иборатдир.

² Ортиқов А.О. Банкларро рақобат шароитида банк хизматлари ва уларни такомиллаштириш йўллари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган автореферат. – Тошкент, 2009. – 19 б.

Тижорат банкларининг кредитлаш операциялари ва депозит операциялари анъанавий хизматларнинг асосини ташкил этади.

вий хизматларнинг асосини ташкил этади.

Банкларнинг ноанъанавий хизматларига биз одатда банклар фаолиятига энди кириб келган банк хизматларини киритишимиз мумкин. Бундай хизматлар банклараро рақобатнинг ривожланиши, компьютар технологияларининг банклар кўрсатаётган хизматларда қўлланилиши натижасида жорий қилинган хизматлар ҳисобланади.

Тижорат банкларининг ноанъанавий хизматлари банк мижозлари учун кўп-лаб қулайликларни яратиши билан бир қаторда банклар томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати ошишига ва банк хизматлари турлари кўпайиб боришига бевосита кўмаклашади.

Банк хизматлари бозори электрон ҳужжат айланиши

тизимига ўтган даврлардан бошлаб бир қанча турдаги электрон хизматлар қўлланила бошланди ва мижозларга кенг миқёсда таклиф этилади. Компьютар технологиялари ҳамда интернетнинг фаол қўлланилиши хилма-хил банк хизматлари бозори юзага келишига замин бўлди.

Анъанавий банк хизматларини эндиликда масофадан туриб амалга ошириш имконияти барчага бирдай маъқул келгани натижаси ўлароқ унинг сегментларга ажралиши юз берди.

Масофадан туриб бошқариладиган банк хизматлари бевосита электрон воситалар ёрдамида амалга оширилиши табиий ҳол бўлиб, барча масофавий банк хизматларига нисбатан янгича электрон банкинг деган таъриф ҳам ишлатила бошланди. Уларга Mobile-Бан-


кинг, Phone-Банкинг, Video-Банкинг, Web-Банкинг, WAP-Банкинг, SMS-Банкинг, PC-Банкинг, «Банк-мижоз» тизими, «Internet-Banking» кабиларни киритиш мумкин.

Тижорат банкларининг хизматлари тобора кенгайиб, сифати яхшиланиб бормоқда, улар янги, истиқболли мижозларни жалб қилиш учун рақобатлашмоқдалар. Банклар томонидан кенг қўлланли хизматлар кўрсатилиши, банкнинг мижоз учун ишлаши бугунги куннинг талабидир. Шундай экан, мижозлар манфаати кўзланган ҳар бир молиявий хизматнинг туб моҳиятини, фойдали ва бошқа жиҳатларини мижозларга тушунтириб бериш билан шуғулланувчи банк бўлимлари фаолиятини жорий этиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Ўзбекистон Республикаси банк тизимида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган хизматлар юқори технологик хусусиятларга эга бўлиб, мижозларга кўрсатиладиган



Манба: Николаева Т.П. Банковский маркетинг: учебно-методический комплекс. – М.: изд. Центр ЕАОИ. 2009. – с. 224.



Манба: Николаева Т.П. Банковский маркетинг: учебно-методический комплекс. – М.: изд. Центр ЕАОИ. 2009. – с. 224.

масофавий хизматларнинг кенг ривожланишига замин яратди. Ҳозирги кунда республикамизда банклараро рақобатнинг ривожланиб бориши билан, тижорат банкларининг инновацион технологиялардан фойдаланиб банк хизматларини кўрсатиш амалиёти такомиллашиб бормоқда. Тижорат банкларидан банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимлари (банк-мижоз, интернет-банкинг, мобил-банкинг, sms-банкинг)дан фойдаланувчилар сони ҳам доимий ортиб бормоқда.

Банклараро рақобатнинг ривожланиши тижорат банкларининг фаолиятини кенгайтиришга интилиб, юқори фойда олишга ҳаракат қилади. Банклараро рақобатда хизматлар бозорида юқори мавқега эга бўлиш, маълум банк хизматлари бозорини эгаллашда энг истиқболли ривожланиш йўналишларидан бири замонавий банк хизматлари кўрсатиш амалиётини ривожлантиришдир. Замонавий банк хизматлари бозори тижорат

банкларига бир қанча устунликларни беради. Биринчи навбатда, ушбу хизматлар миқдорлар сегментининг асосий қисмини қамраб олишга кўмаклашади. Натижада банк миқдорлари базаси кенгайиши ҳисобига банкнинг кредит портфели ошади ва ресурс базаси мустаҳкамланади, банкнинг бизнеси самарали ва барқарор бўлади ҳамда банк эгалари учун унинг обрўсини ошириб, потенциал миқдорларни кенг жалб қилишга замин яратади.

Замонавий банк хизматлари қуйидаги ўзига хосликларга эга бўлиб, ушбу хусусиятлари билан аънавий банк хизматларидан фарқ қилади:

- ◆ замонавий банк хизматларини кўрсатиш масо-

фадан туриб амалга оширилади;

- ◆ банк хизматлари замонавий компьютер ва ахборот технологиялари асосида амалга оширилади;

- ◆ аксарият ҳолларда миқдорларнинг ўзлари операционист вазифасини бажариб, операциялар банк ходимлари иштирокисиз бажарилади;

- ◆ макон ва вақт танламайди, яъни дунёнинг исталган нуқтасидан ҳамда исталган вақтда ушбу банк хизматларидан фойдаланиш мумкин.

Ҳозирги даврда тижорат банкларининг томонидан кўрсатилаётган банк хизматларининг бошқа субъектлар томонидан кўрсатилаётган хизматларга нисбатан юқори ривожланиш

Замонавий банк хизматлари бозори тижорат банкларига бир қанча устунликларни беради. Биринчи навбатда, ушбу хизматлар миқдорлар сегментининг асосий қисмини қамраб олишга кўмаклашади.

Ҳозирги даврда тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган банк хизматларининг бошқа субъектлар томонидан кўрсатилаётган хизматларга нисбатан юқори ривожланиш тенденцияси кузатилмоқда ва бу информатсион технологияларнинг ривожланиши билан боғлиқ.

тенденцияси кузатилмоқда ва бу информатсион технологияларнинг ривожланиши билан боғлиқ. Бугунги кунда банклар фаолиятида информатсион технологияларнинг қўлланилиши хизматлар кўрсатишни сифат жиҳатдан юқори босқичга олиб чиқмоқда.

Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари – бу мижознинг масофадан берган топшириқларига асосан (дистанцион) банк хизматларини тақдим этиш технологиялари ҳисобланади ҳамда компьютер ва телефон тармоқлари орқали амалга оширилади.

Тижорат банклари хизматларининг миқдорий тавсифи хизматлар сони, уларнинг кўлами ва доираси билан белгиланса, банк хизматларининг сифат тавсифи хизматлар сифати, тезкорлиги ва аниқ-манзилли амалга оширилиши, бу хизматлардан мижозларнинг қаноатланиш даражаси билан ифодаланади. Тижорат банклари хизматларининг миқдор ва сифат тавсифи ҳамда унинг самарадорлиги улар томонидан баҳолаш соҳасида олиб борилаётган сиёсат билан узвий боғлиқдир. Турли банк

хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ ҳаракатларни, шу жумладан, ушбу хизматлар учун асосланган нархларни аниқлаш ёрдамида тижорат банклари учун бозорнинг ўзгарувчан конъюктурасига мослашиш имкони туғилади.

Замонавий ахборот технологиялари, янги банк маҳсулотлари ва хизматларининг жорий этилиши мамлакатимиз банк хизматлари бозори кенгайишига шароит яратмоқда. Республикамизда бозор иқтисодиёти муносабатлари ривожлангани сари тижорат банклари ҳам чакана амалиётлар, мижозларга тақдим этиладиган хизматлар турини ошириш орқали ўз фаолиятини диверсификациялашга эришмоқда.

Масофавий банк хизматлари кўрсатишни банккомат ва инфокиоскларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Фойдаланиш содда бўлган ушбу ускуна-

лар бугунги кунда мижоз ва кассир ўртасидаги анъанавий муомалага чек қўйиб, ўзига хос мини-банк офиси вазифасини ўтамоқда. Ҳозирги пайтда банккоматлардан нафақат нақд пул ечиб олиш, хорижий валютани алмаштириш, банк пластик карталарига маблағ қўйиш, балки улар орқали товар ва хизматлар бўйича турли тўловларни амалга ошириш мумкин. Шуни қайд этиш ўринлики, мижозлар исталган банкнинг банккомат ва инфокиоскларидан фойдалана оладилар.

3-чизмадан кўриниб турибдики, тижорат банклари томонидан ўрнатилган банккомат ва инфокиосклар сони 2017 йил январь ойидан 2018 йил октябрь ойигача ойма-ой кўпайиб борган. Ушбу даврда ўрнатилган банккомат ва инфокиосклар соңи 1361тага, ҳар ойда ўртача 65тага ошиб борган. Ушбу тенденция кейинги ойларда ҳам сақланиб турса, аҳолига кўрсатилаётган хизматларнинг ҳажми ҳам ошади.

Ҳозирги кунда тижорат банклари аҳолига қулайлик яратиш ва замонавий хизматлар кўламини кенгайтириш мақсадида 24/7 режимда, кечаю кундуз узлуксиз хизмат кўрсатадиган ўз-ўзига хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил қилиб, фойда-

Тижорат банклари хизматларининг миқдор ва сифат тавсифи ҳамда унинг самарадорлиги улар томонидан баҳолаш соҳасида олиб борилаётган сиёсат билан узвий боғлиқдир.

ланишга топшириб келмоқда. Шохобчалар замонавий банк хизматларини кўрсатувчи банкоматлар, инфокиоск, инфомонитор ва «Интернет-банкнинг» хизматидан фойдаланувчи юридик шахслар, шу жумладан, якка тартибдаги тадбиркорларга хизмат кўрсатувчи клавиатурали инфокиоск қурилмалари билан жиҳозланмоқда. 24/7 режимида ишлайдиган мазкур шохобчаларнинг кўпайиши банкомат ва инфокиосклар сонининг ошишига олиб келмоқда.

Банкоматлар орқали фуқаролар куннинг исталган вақтида сўм, валюта пластик карталаридаги маблағларни нақдлаштириши мумкин. Шунингдек, айрим тижорат банклари томонидан ўрнатилган Uzcard cash-in функцияларини қўллаб-қувватловчи NCR SelfServ 6632 русумидаги янги банкоматлар орқали Uzcard картани мустақил равишда пул маблағи билан тўлдириш имкони яратилди. «cash-in» ва «cash-out» функцияларидан ташқари, ушбу банкоматларда чет

Тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли тежамли, кам вақт ва ҳаракат сарфланадиган, юқори ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда молиявий операцияларни амалга ошириш, маълумот олишга кўпроқ иштиёқ билдирмоқда.

эл валютасини маҳаллий пул бирлигига тўғридан-тўғри конвертация қилиш имконияти яратилган. Валюталар курси эса комиссия тўловларисиз ушбу банкоматга хизмат кўрсатаётган банк томонидан ўрнатилади.

Инфокиосклар орқали тўловларни пластик карточкалардан ва нақд пулда қабул қилиш, пластик карточка ҳисобварағи ҳаракати тўғрисида маълумот олиш, «SMS-хабарнома» хизматида уланиш имконияти мавжуд. Шунингдек, инфокиосклар ёрдамида банкдан олинган кредитларнинг асосий ва фоиз қисмини қайтариш, турли коммунал тўловлар, уяли алоқа опера-

торлари, шаҳар телефонлари, кабель телевидениеси, интернет хизмати учун тўловларни амалга ошириш мумкин.

Айни пайтда республикамик бўйича «Smart-Vista» on-line ҳамда «Duet» тизимидаги карточкаларга хизмат кўрсатадиган банкомат ва инфокиосклар сони 5692тани ташкил этиб, улар ягона тармоққа уланган.

Тўловларни нақд пулсиз амалга оширишнинг инновацион шаклларида бўлган эҳтиёж муттасил ортиб бормоқда. Тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли тежамли, кам вақт ва ҳаракат сарфланадиган, юқори ахборот технологияларидан фойда-



Манба: www.cbi.uz – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти маълумотлари асосида тузилди.

ланган ҳолда молиявий операцияларни амалга ошириш, маълумот олишга кўпроқ иштиёқ билдирмоқда. Мана шу эҳтиёжни инобатга олиб, тижорат банклари масофавий банк хизматлари кўрсатиш кўламини кенгайтиришга, бу йўлда эса глобал Интернет тармоғи имкониятларидан самарали фойдаланиш чораларини кўришга интилоқдалар. Айтиш ўринлики, айти йўналиш жаҳон банк тизими ва унинг ажралмас таркибий қисми бўлган миллий банк тизимининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Айти пайтда барча тижорат банклари Интернет тармоғида ўзларининг web-сайтларини очиб, уни банкнинг фаолиятига оид маълумотлар,

янги хизмат турлари ва шартлари, мижозлар манфаатига тегишли ахборотлар билан мунтазам бойитиб бормоқда. Марказий банк веб-сайти орқали эса давлат интерактив хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилган. Аҳоли ўртасида мобиль телефонлардан фойдаланишнинг кенгайиб бориши банклар томонидан «Мобиль-банкинг» (WAP-banking) ва «SMS-банкинг» хизматлари йўлга қўйилишига олиб келди. Банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимлари (Банк-Мижоз, Интернет-банкинг, Мобиль-банкинг, SMS-банкинг ва бошқалар)ни республика миқёсида доимий такомиллаштириб бориш бўйича ишлар барча банклар томонидан тизимли равиш-

да амалга оширилиши бир томондан миллий банк тизимининг ривожланиш тенденцияларидан гувоҳлик берса, бошқа томондан республика иқтисодиётида бозор механизмларининг янада мустақамланишига шароит яратди.

1-жадвалдан кўриниб турибдики, муомалага чиқарилган банк пластик карталари сони 2018 йил октябрь ойига келиб 2017 йил январь ойига нисбатан камайиб кетган, лекин тўлов терминаллари сони кўпайган. Банк пластик карталарининг терминаллар билан таъминланиш даражаси банк пластик карталарининг сони камайиши, тўлов терминаллари сони ошиши ҳисобига ортган. Агар 2017 йил

1-жадвал

Масофадан банк хизматларини кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчиларнинг сони				
Сана	Муомалага чиқарилган банк пластик карталари сони	Ўрнатилган тўлов терминаллари сони	Тўлов терминаллари билан таъминланиш даражаси (%да)	1 дона тўлов терминалига тўғри келувчи банк пластик карталари
01.01.2017 й.	19 523 343	208 536	1,07	93,6
01.02.2017 й.	19 702 023	209 360	1,06	94,1
01.03.2017 й.	19 768 724	210 609	1,07	93,9
01.04.2017 й.	20 302 405	214 556	1,06	94,6
01.05.2017 й.	20 001 128	217 008	1,08	92,2
01.06.2017 й.	20 095 667	219 725	1,09	91,5
01.07.2017 й.	20 230 491	222 714	1,10	90,8
01.08.2017 й.	20 322 398	223 865	1,10	90,8
01.09.2017 й.	20 476 595	228 921	1,12	89,4
01.10.2017 й.	20 054 536	231516	1,15	86,6
01.11.2017 й.	19 924 654	233 593	1,17	85,3
01.12.2017 й.	19 507 263	235 077	1,21	83,0
01.01.2018 й.	19 225 702	235 712	1,23	81,6
01.02.2018 й.	19 189 180	235 671	1,23	81,4
01.03.2018 й.	18 405 354	236 606	1,29	77,8
01.04.2018 й.	18 472 251	238 155	1,29	77,6
01.05.2018 й.	17 460 234	240 004	1,37	72,7
01.06.2018 й.	17 533 784	240 950	1,37	72,8
01.07.2018 й.	18 242 332	241 810	1,33	75,4
01.08.2018 й.	17 880 075	242 196	1,35	73,8
01.09.2018 й.	18 026 562	243 236	1,35	74,1
01.10.2018 й.	17 986 739	244 295	1,36	73,6

Манба: www.cbu.uz – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти маълумотлари.

2-жадвал

Масофадан банк хизматларини кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчиларнинг сони

№	Банк	Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар	Жисмоний шахслар	Жами
1	«Агробанк» АТБ	41 190	1 305 140	1 346 330
2	АТ Халқ банки	20 965	833 881	854 846
3	ТИФ Миллий банки	14 080	638 612	652 692
4	«Асака» АТБ	3 404	535 732	539 136
5	Чет эл кап. иштин. «Намкорбанк» АТБ	39 950	128 652	168 602
6	АТ «Алоқабанк»	4 944	152 169	157 113
7	«Ипак Йўли» АИТБ	5 951	111 709	117 660
8	АТ «Ўзбекистон саноатқурилиш банки»	36 983	80 568	117 551
9	«Ипотека-банк» АТИБ	14 926	70 762	85 688
10	АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»	2 980	78 450	81 430
Республикамик жами тижорат банклари		227 879	4 225 361	4 453 240

Манба: www.cbi.uz – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти маълумотлари.

бошига тўлов терминаллари билан таъминланиш даражаси 1,07 фоизни ташкил қилган бўлса, 2018 йил октябрь ойига келиб бу кўрсаткич 1,36 фоизга етган.

2-жадвалдан кўринадики, масофадан банк хизматларини кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчиларнинг сони 2018 йил 1 январь ҳолатига 4 453 240 донани ташкил қилмоқда. Масофавий банк хизматларини энг кўп кўрсатётган банк АТБ «Агробанк» бўлиб, унинг мижозлари сони 1 346 330 тани ташкил этган. Бунда мижозларнинг асосий қисмини жисмоний шахслар ташкил этмоқда. Кейинги ўринларни АТ «Халқ банки» ва ТИФ Миллий банклари эгаллаган. Бу учта банк масофавий банк хизматларидан фойдаланувчиларнинг деярли 64 фоизини ташкил этган.

Масофавий банк хизматлари атамаси остида бирлашувчи кенг миқёсдаги хизматлар орасидан бугун мамлакатимизда Интернет-банкнинг ва мобиль банкинг хизматларига бўлган талаб юқоридир.

Мобиль банкинг ҳам деярли шундай қулайликларга эга, фақат бунда мобиль телефон банк ҳисобрақамини бошқариш воситаси сифатида хизмат қилади.

Банкларда Интернет-банкнинг ва Банк-Мижоз, SMS-банкнинг ва мобиль банкинг хизматлари орқали чакана тўловлар амалга оширилмоқда. Бу эса аҳолининг банкларга бўлган ишончи ортишига ва банкларнинг замонавий хизматларидан фойдаланишга туртки бўлмоқда.

Мамлакатимизда 2017 йил 1 январь ҳолатига масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сони 2 042 111 ни ташкил қилган бўлса, 2018 йил 1 октябрь ҳолатига бу рақам 7 104 311 тани ташкил

этган. Бу деярли 3,5 баравар кўп демакдир. Бунда юридик ва жисмоний шахслар интернет-банкнинг ва мобиль-банкнинг хизмат турлари ёрдамида банк ҳисобварақларидаги пул маблағларини бошқариш, USSD-сўров ёрдамида банк пластик карталаридаги маблағларни бошқариш, смс-хабарнома ёрдамида ҳисобварақдаги пул маблағлари ҳаракати ҳақида маълумот олиш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Банк мижозларининг янги банк хизматларидан фойдаланишларини кенгайтириш учун тижорат банклари банк пластик карточкалари бўйича янги хизмат турларини жорий қилишлари мақсадга мувофиқ бўлади:

Банк мижозларининг янги банк хизматларидан фойдаланишларини кенгайтириш учун тижорат банклари банк пластик карточкалари бўйича янги хизмат турларини жорий қилишлари мақсадга мувофиқ.

1-жадвал

Масофадан банк хизматларини кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчиларнинг сони

Сана	Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар	Жисмоний шахслар	Жами
01.01.2017 й.	135 629	1 906 482	2 042 111
01.02.2017 й.	157 397	2 690 214	2 847 611
01.03.2017 й.	164 645	2 845 237	3 009 882
01.04.2017 й.	169 288	2 999 899	3 169 187
01.05.2017 й.	177 119	3 159 940	3 337 059
01.06.2017 й.	185 877	3 306 267	3 492 144
01.07.2017 й.	196 434	3 438 089	3 634 523
01.08.2017 й.	201 041	3 520 619	3 721 660
01.09.2017 й.	208 330	3 672 344	3 880 674
01.10.2017 й.	217 123	3 733 370	3 950 493
01.11.2017 й.	229 674	3 898 567	4 128 241
01.12.2017 й.	219 454	4 050 174	4 269 628
01.01.2018 й.	227 379	4 225 361	4 453 240
01.02.2018 й.	237 334	5 504 976	5 742 810
01.03.2018 й.	248 867	5 678 733	5 927 600
01.04.2018 й.	242 719	5 768 923	6 011 642
01.05.2018 й.	256 331	5 874 150	6 130 981
01.06.2018 й.	291 947	6 245 995	6 537 942
01.07.2018 й.	304 055	6 383 492	6 687 547
01.08.2018 й.	315 580	6 646 096	6 961 676
01.09.2018 й.	322 269	6 643 532	6 965 801
01.10.2018 й.	330 158	6 774 153	7 104 311
Ўзгариши	194 529	4 867 671	5 062 200

Манба: www.cbi.uz – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти маълумотлари.

1. Банк пластик карточкалари фойдаланувчиларининг маблағлари бут сақланишини ва тўлов хавфсизлигини таъминлаш зарур. Бунда тижорат банклари мижозларнинг маблағлари бут сақланишини таъминлаш учун уларга маъқул бўлган хавфсизликни таъминлаш бўйича хизматларни таклиф қилишлари керак. Жумладан, мижоз банк пластик карточкасини олганда унга очилган банк ҳисобварағига қўшимча равишда яна бир ҳисобварақ очиш лозим. Унда кунлик фойдаланиш учун маблағларни асосий ҳисобварақда, қолган қисмини иккинчи ҳисобварақда сақлаш имкониятига эга бўлган мижоз маблағларнинг бут сақланишига эришади, банк эса

қўшимча ресурсга эга бўлади. Ушбу амалиётдан кўпчилик ривожланган давлатлардаги тижорат банкларида фойдаланилади.

2. Жисмоний шахслар уларга очилган банк ҳисобварақларини мобиль иловалар ёки веб-сайтлар орқали тўғридан-тўғри бошқариш имкониятига эга бўлишлари лозим. Ҳозирги кунда тижорат банкларида ушбу хизмат қисман амалга ошириляётганлигини кўриш мумкин. Бунда айрим турдаги тўловларни амалга оширишга рухсат берилган. Уларнинг турини кенгайтириш ва хизмат ҳақи миқдорини пасайтириш орқали мижозларнинг сони ошишига эришса бўлади.

3. Банклар мижозларга маълум бир муддатга бел-

гиланган лимит доирасида банк маблағлари ҳисобидан товарлар ва хизматлар учун тўловларни амалга ошириш имконини берувчи банк кредит карталарини муомалага киритишлари, шу билан бирга, дебет банк пластик карточкаларига микроқарз ёки овердрафт кредитларини бериш амалиётини кенгайтиришлари мақсадга мувофиқ бўлур эди.

4. Тўлов терминаллари орқали халқаро ва маҳаллий банк пластик карточкалари орқали узлуксиз тўловларни қабул қилиш имконини берувчи дастурий таъминотни жорий этиш лозим. Бу мамлакатимизда бўлган хорижлик сайёҳларга қулайлик яратиш билан бирга улар-

нинг мамлакатимиз банк тизимига бўлган ишончини орттиради.

5. Савдо ва пуллик хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларининг тўлов терминалларига бўлган талабини доимий равишда ўрганиб бориш, фойдаланиладиган зарур ускуна ва материалларни уларга қисқа муддатларда етказиб бериш ҳамда банк омборларида етарли миқдордаги терминаллар, пластик карточкалар ва инфокиосклар захирасини доимий равишда шакллантириб туриш чораларини мунтазам кўриб бориш ва ўз вақтида таъминланишига эришиш, терминалларни ижарага бериш амалиёти билан бирга уларни сотиш ёки лизингга беришни ташкил этиш лозим. Шунингдек, тўлов терминаллари ва банк ускуналарига тезкор техник хизмат кўрсатиш кўламини янада яхшилаш керак.

6. Тижорат банкларида веб-сайт орқали юридик ва жисмоний шахсларга интерактив хизматларни кўрсатиш бўйича қуйидаги хизмат турларини жорий қилиш ва кенгайтириш:

◆ банк карталарини олиш учун буюртмаларни қабул қилиш, уларни кўриб чиқиш муддатлари ҳамда банк карталарининг фойдаланиш-

Банклар ўртасидаги рақобат кураши уларни қўшимча мижозлар жалб этиш ҳамда кўрсатилаётган хизматлар доираси ва сифатини кенгайтириш масаласига янгича ёндашишга ундамоқда.

га тайёрлиги ҳақидаги хабарнома функцияларига эга бўлган хизматларни жорий этиш;

◆ тадбиркорларга кенг кўламли хизмат кўрсатиш мақсадида кредит олиш учун зарур бўлган электрон ҳужжатларни тақдим этиш ҳамда топширилган ҳужжатларнинг белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлиги ҳақида хабар қилиш;

◆ кредитлар миқдори ва улар бўйича фоиз ставкалари, кредит фоиз ставкалари бўйича ойлик тўловлар миқдори, кредитнинг максимал суммаси ва бошқа ҳисоб-китоблар воситалари сифатида фойдаланиш учун интерактив кредит калькуляторини жорий этиш;

◆ банкнинг турли интерактив ва ахборот хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш учун фойдаланувчининг шахсий кабинетини ишлаб чиқиш, бунда банк пластик картасига юклаш учун маблағлар ҳақи-

да маълумотлар, пластик картага юкланган барча маблағлар тарихи, чиқим амаллари, шунингдек, кредитлар ҳақида тўлиқ ахборот бериш кўзда тутилади.

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банкларининг хизматлари тобора кенгайиб, сифати яхшиланиб бормоқда, улар орасида янги истиқболли мижозларни жалб қилиш учун рақобат сезиларли даражада кучайди. Банклар томонидан кенг кўламли хизматлар кўрсатилиши, банкнинг мижоз учун ишлаши бугунги кун талабидир.


ABSTRACTS

THE DEVELOPMENT OF NEW BANKING SERVICES

The article is devoted to the development of new banking services in Uzbekistan. The most effective way to ensure the competitiveness of commercial banks is to gain the trust of customers and create all the amenities for them, as well as the type and quality of services and increase speed. The banks need more modern banking services and new technologies to ensure competitiveness.

Тижорат банкларининг хизматлари тобора кенгайиб, сифати яхшиланиб бормоқда, улар орасида янги истиқболли мижозларни жалб қилиш учун рақобат сезиларли даражада кучайди.

ВЕНЧУР КАПИТАЛИНИНГ СИР-АСРОРЛАРИ: ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ



Амур Жалилов,
«Ansher Capital» ХК МЧЖ
директори ўринбосари

2019 йилнинг Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили деб номланиши юртимизда венчур капитали соҳасини ҳам ривожлантиришга қулай имконият яратмоқда. Ўтган 2017–2018 йилларда мустақкам қурилган пойдевор ва 2019 йил учун режалаштирилган лойиҳа ва дастурлар олдинги саъй-ҳаракатларнинг манتيқий давоми бўлиб, ушбу лойиҳа ва дастурлар бекам-кўст амалга оширилишига замин яратилди ва бундай имкониятдан юртимиз ҳамда хорижлик тадбиркор ва ишбилармонлар унумли фойдаланиши мақсадга мувофиқдир.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, инвестициялар иқтисодийга ички ва ташқи манбалардан киритилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, айниқса, инновацион фояларни бизнесга айланти-

Apple, Facebook, Google ва бошқа кўплаб дунё таниган ва инсониятнинг кундалик ҳаётига кириб келаётган компаниялар илк сармояларини венчур капиталидан олганлигини биласизми?!

Ҳар қандай тадбиркорлик молиялаштиришни талаб этади ва бунда тадбиркор турли хил молиялаштириш усулларидан фойдаланиши мумкин, аммо аксарият ҳолларда илк ва ўсиш капиталини венчур фондларидан олади.

риш ва ҳаётга татбиқ этиш учун лозим бўладиган илк ва ўсиш капитали асосан венчур капитали эгалари томонидан молиялаштиради. Венчур капитали – хатарли ва узоқ муддатли лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилган сармоя бўлиб, хориж тажрибасида унинг инвестиция даври ўртача 5-7 йилни ташкил этади.

Венчур бизнеси билан молиявий билим ва кўникмага эга, маълум бир соҳани мукамал билган, шу соҳада иш юритган катта сармоя эгалари ёки венчур жамғармалари шуғулланади. Венчур бизне-

сида энг муҳим ва ҳал қилувчи омил бизнес хатарларини (рисklarини) тўғри баҳоладан иборат. Бунинг учун ҳам амалий, ҳам илмий тажриба, инновацион лойиҳани яхши тушуниш ва унинг келажагини кўра билиш талаб этилади, иккинчи тарафдан молиявий билим ва кўникмалар бу лойиҳани бизнесга айлантириш учун қанча миқдорда маблағ кераклиги, молиялаштириш усуллари танлаш келажакда кўпроқ фойда олиш имконини беради.

Бу бизнес венчур капиталини йиғиш ва жамғарма ташкил этишдан бошлана-

Венчур капитали – хатарли ва узоқ муддатли лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилган сармоя бўлиб, хориж тажрибасида унинг инвестиция даври ўртача 5-7 йилни ташкил этади.

1-чизма

Венчур капитали жамғармаларининг асосий манбалари



Манба: Arthur Rock, interview by Sally Smith Hughes, 2008–2009, «Early Bay Area Venture Capitalists: Shaping the Economic and Business Landscape», accessed February 6, 2011, http://digitalassets.lib.berkeley.edu/roho/ucb/text/rock_arthur.pdf.

ди. Асосий сармоялар йирик бизнесменлардан, бадавлат оила ва шахслардан (Individuals/Family Offices), турли хилдаги жамғармалардан (Foundations ва Fund-of-Funds), нафақа/пенсия жамғармаларидан (Pension Funds), банклардан ҳамда бошқа манбалардан олинади. Бу жараённинг асосий қийинчиликларидан бири сармоядорларни ишонтириш ва шу капиталдан унумли фойдаланишни исбот қилиб беради-


ган даражада ташкилотчилик қобилияти, амалий ва илмий салоҳият мавжудлигини намоён этишдир. Венчур капитали узоқ муддатга ва ўта хатарли лойиҳаларга киритилдики, сармоядорларнинг ўз маблағларидан ажралиб қолиши эҳтимоли жуда юқори бўлади. Бу ҳолда тажрибали ва ўз ишининг устаси бўлган кишигина сармоядорларни етарли даражада ишонтириб, бизнесни давом эттириши мумкин. Жаҳон тажрибасида

венчур капитали жамғармалари турли соҳа вакиллари томонидан бошқарилади ва уларнинг ҳар бири ўз соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш ҳамда бевосита бошқариш ва ривожлантиришда иштирок этади.

Иккинчи муҳим масала истиқболли лойиҳаларни топиш, уларни мукамал ўрганиб чиқиш ва молиялаштиришдир. Бу жараён ўта мураккаб бўлиб, турли соҳа вакиллари иштирокини ва

2-чизма

Венчур капитали жамғармалари bosқичлари



Манба: William D. Bygrave and Jeffrey A. Timmons, *Venture Capital at the Crossroads* (Watertown, MA: Harvard Business Press 1992), 220.

Венчур капитали жамғармаларини баҳолаш мезонлари



Манба: Justin J. Camp, *Venture Capital Due Diligence: A Guide to Making Smart Investment Choices and Increasing Your Portfolio Returns* (Hoboken, NJ: John Wiley and Sons, 2002), 140.

хар бирининг хулосаси олинишини талаб этади. Аммо баъзи ҳоллар бундан мустасно, масалан, ҳаммамизга таниш ва кундалик ҳаётимизда кўп дуч келадиган ва фойдаланадиган Google хизматлари. Google асосчилари Ларри Пэйж (Larry Page) ва Сергей Брин (Sergey Brin) ўзлари яратган лойиҳани Энди Бехтолшеймга намоиш этиб бераётган пайтда Энди вақти камлиги, бироқ уларнинг лойиҳасига маблағ беришини айтиб, Google Incorporated номига 100 минг АҚШ доллари миқдоридан чек беради. Бу каби тез ва осон молиялаштириш жуда кам ҳолларда учрайди ва истисно саналади. Бунинг иккинчи сабаби, мазкур мисолда Энди ўз маблағларини эркин тасаруф этганлигидир. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш маълум мураккабликларга эга бўлиб, лойиҳани белгиланган

Интересен опыт Китая в данном направлении, а именно в области тонкопленочной солнечной энергетики¹¹, где компания «Hanergy» (г. Пекин) заключила соглашения о строительстве тонкопленочных солнечных электростанций по всему миру общей мощностью около 10 ГВт. При этом данная компания занимается интеграцией всей цепочки создания стоимости тонкопленочных систем (фасады, стеклопакеты, черепица, гибкие панели и др.), включая исследования и разработки, производство высококачественного

оборудования, производство тонкопленочных солнечных модулей и строительство тонкопленочных солнечных электростанций.

«Hanergy» уже подала заявку на получение почти 1000 патентов в области новой энергии, из которых 60% являются патентами на изобретения (включая основные патенты от приобретенных зарубежных компаний). Она также была главным разработчиком или участвовала в разработке более 10 национальных и отраслевых стандартов в области солнечной энергии.

Максимальная эффективность конверсии исследований по технологии Селенида меди-индия-галлия (CIGS)¹² достигла 21%, что подтверждено немецким Институтом

солнечных энергетических систем (ISE) Фраунгофера, а эффективность конверсии исследований по технологии Арсенида галлия (GaAs) достигла 30,8% (мировой рекорд наивысшей эффективности преобразования тонкопленочных солнечных технологий), подтвержденный Национальной лабораторией возобновляемой энергии США (NREL)¹³.

В целом, компания инвестировала средства в строительство тонкопленочных солнечных R&D и производственных баз по всему Китаю с общей производственной мощностью 3 ГВт.

На наш взгляд, опыт и технологии этой компании будут востребованы в нашей стране, а следующие направления могли бы стать предпосылкой на-

¹¹ Тонкопленочная солнечная технология позволяет использовать самые современные функции, такие как гибкость, легкий вес, превосходные характеристики при слабом освещении, а также разнообразные цвета и формы. Эти уникальные качества делают его пригодным для широкого спектра применений, в том числе встроенной фотоэлектрической системы (BIPV), для бытового электроснабжения, применения в сельском хозяйстве, для автомобильной энергетики, электроники, потребительской и специальной продукции, а также для коммерческих беспилотных летательных аппаратов.

¹² Полупроводниковое соединение меди, индия, галлия и селена. Представляет собой твердый раствор селенида меди-индия (CIS) и селенида меди-галлия, состав которого выражается формулой $CuIn_xGa_{1-x}Se_2$. Кристаллизуется в структуре тупа халькопирита. Ширина запрещенной зоны меняется от 1,7 эВ при $x=0$ до 1,0 эВ при $x=1$. Источник: Tinoco, T.; Rincón, C.; Quintero, M.; Pérez, G. Sánchez (1991). «Phase Diagram and Optical Energy Gaps for $CuIn_xGa_{1-x}Se_2$ Alloys». *Physica Status Solidi (a)*. 124 (2): 427.

¹³ Из материалов международного семинара «Ministerial Workshop on Mechanism of Renewable Energy Utilization & Development for Developing Countries, 2018», проведенного с 13.11.2018г. по 24.11.2018г. в г.Чанша (КНР).

лаживания сотрудничества на основе ГЧП:

◆ инициирование и реализация пилотного проекта «умная деревня» в Бостанлыкском районе Ташкентской области путем организации небольшого демонстрационного коттеджного городка, состоящего из 8-10 домов, которые будут оснащены элементами, вырабатывающими энергию для собственного освещения, отопления и т.д.;

◆ содействие в создании частных генерирующих мощностей на основе солнечных батарей с последующей продажей вырабатываемой электроэнергии государству;

◆ создание производственной площадки для локализации производства изделий для тонкопленочной солнечной энергетики;

◆ наращивание потенциала населения и потребителей путем проведения тренингов, укрепление технического и технологического потенциала соответствующих организаций и компаний.

В целом, реализация концепции «умной деревни» предполагает широкое использование ИКТ, инновационных технологических решений и инфраструктуры, для разработки и внедрения которых требуются значительные финансовые вложения. Отсут-

Реализация концепции «умной деревни» предполагает широкое использование ИКТ, инновационных технологических решений и инфраструктуры, для разработки и внедрения которых требуются значительные финансовые вложения.

ствие достаточного объема финансирования со стороны государства приводит к объективной необходимости привлечения частных средств, что является возможным только при наличии соответствующих правовых инструментов, понятных инвесторам. Одним из таких инструментов является государственно-частное партнерство.

По нашему убеждению, успешная реализация демонстрационного проекта «умной деревни» и его продвижение послужит привлечению внимания потенциальных игроков (инвесторов/клиентов/покупателей) в этом секторе. Кроме того, пилотный проект даст возможность создания и развития эффективной системы ГЧП в сфере выработки фотоэлектрической солнечной энергии, т.к. будут «отработаны» вопросы проектирования, финансирования, строитель-

ства, владения и эксплуатации объектов.

Результаты проекта также будут полезны для Агентства по развитию государственно-частного партнерства при разработке программы развития ГЧП в электроэнергетике, обеспечении защиты прав и законных интересов участников проектов ГЧП в электроэнергетике, определении и распределении возможных рисков между ними.

ABSTRACTS

THE WAYS OF DEVELOPMENT OF PPP MECHANISMS IN THE ENERGY SECTOR OF UZBEKISTAN

The article deals with the development of PPP mechanisms in the energy sector of Uzbekistan. Today, the need to introduce PPP is becoming more clearly manifested in the field of public administration, institutional and structural reforms, improving the social protection system and protecting the health, increasing the socio-political activity of women, especially in rural areas.

Успешная реализация демонстрационного проекта «умной деревни» и его продвижение послужит привлечению внимания потенциальных игроков в этом секторе.

«КОРХОНА ВА МУАССАСАЛАРДА АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲИСОБИ»НИНГ МАҚСАДИ ВА ЗАРУРЛИГИ

Ёдгора Илҳомова, Тошкент молия институти доценти

Ҳамидулло Ҳабибуллаев, Саидаҳмад Акрамжонов, Тошкент молия институти талабалари

Асосий воситалар корхона томонидан узоқ муддат давомида хўжалик фаолиятини юритишда маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш мақсадида фойдаланиш учун тутиб туриладиган моддий активлардир¹.

Таъкидлаш ўринлики, илмий адабиётларда ва амалиётда иқтисодчилар «Асосий воситалар» термини билан бир қаторда «Асосий капитал» ёки «Асосий фондлар» каби терминлардан ҳам фойдаланадилар². «Асосий капитал» атамаси илк бор шотланд иқтисодчиси А. Смит томонидан қўлланилган. Асосий капитал сифатида у ер унумдорлигини яхшилаш, даромад ёки фойда олиб келишга хизмат қилувчи фойдали техник мосламалар, машина ва ускуналарга йўналтирилувчи капитални тушунган³. Неоклассик синтез муаллифи П. Самуэльсон эса асосий капиталга мулк ҳуку-

қига эга бўлган узоқ муддатли фойдаланиш, келгуси ишлаб чиқаришда хомашё ресурслари билан бир вақтда ҳам ресурс, ҳам товар-маҳсулотга эга бўлиш имконияти сифатида қараган⁴. С. Фишер, Р. Дорнбуш, Р. Смалензиларнинг фикрича, «Асосий капитал – маҳсулот ва хизматлар яратиш жараёнида ишрирок этувчи товарлар захираси»-

дир. Кузатувлар шуни кўрсатдики, асосий воситалар узоқ муддатли фойдаланишга мўлжалланган воситалар бўлиб, уларнинг бугунги қиймати келгусида нима мақсадда фойдаланилиши билан белгиланади⁵.

«Асосий воситалар» номли Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартида (Адлия вазирлигида 2004 йил 20 январда

Асосий воситалар узоқ муддатли фойдаланишга мўлжалланган воситалар бўлиб, уларнинг бугунги қиймати келгусида нима мақсадда фойдаланилиши билан белгиланади.

¹ 5-сонли «Асосий воситалар» номли Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти. (АВ рўйхат рақами 1299), 3-банд.

² Рогоуленко Т.М., Егорова Е.О., «Thye essene of fixed assets as property accounting». <https://elibrary.ru/defaultx.asp>. «Вестник университета», №1, 2017, стр. 129.

³ Петти, В. Антология экономической классики / В. Петти, А. Смит, Д. Рикардо. – М.: Эконом; Ключ, 1993, стр. 89.

⁴ Самуэльсон, П. А. Экономика / П. Самуэльсон, В. Нордхаус. – М.: Бином – КноРус, 1997, стр. 173.

⁵ Фишер, С. Экономика / С. Фишер, Р. Дорнбуш, Р. Смалензия. – М.: Дело, 1993, стр. 101.

1299-сон билан рўйхатдан ўтган) асосий воситаларга ана шундай таъриф берилган. Асосий воситалар таркибига бир йилдан кўпроқ муддат хизмат қиладиган ёки хизмат муддатидан қатъи назар ҳар бир бирлиги (тўплами)нинг қиймати ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 50 бараваридан (сотиб олиш пайтига) кўп бўлган активлар киритилади. Корхона раҳбари ҳисобот йилида буюмларни асосий воситалар таркибида ҳисобга олиш учун улар қийматининг энг паст чегарасини (яъни 50 баравардан кам) белгилашга ҳақли. Асосий воситаларга бино, иншоот, ускуналар, транспорт воситалари, мебель жиҳозлари, ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар, кўп йиллик ўсимликлар кабилар мисол бўлади.

Хизмат муддати ва қийматидан қатъи назар асосий

Асосий воситалар таркибига бир йилдан кўпроқ муддат хизмат қиладиган ёки хизмат муддатидан қатъи назар ҳар бир бирлиги (тўплами)нинг қиймати ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 50 бараваридан (сотиб олиш пайтига) кўп бўлган активлар киритилади.

воситалар таркибига киритилмайдиган воситалар ҳам мавжуд (1-чизма).

Асосий воситалар таркибида қонун ҳужжатларига мувофиқ корхона мулкига ўтказилган ер участкалари ҳам ҳисобга олинади.

Асосий воситалар ҳисобини юритишда унга бевосита тегишли бўлган тушунчаларни билиш муҳим ҳисобланади (2-чизма).

Сотиб олинган асосий воситалар ҳақини тўлаш бўйича банк хизматлари, аккредитив очиш, хорижий валютани ўтказганлиги ва конвертация қилганлиги учун банкка воситачилик ҳақини тўлаш бўйича харажатлар, шунингдек, шартнома тузиш ва рўйхатга олиш бўйича харажатлар асосий воситаларнинг бошланғич қийматига киритилмайди, балки улар юзага келган ҳисобот

1-чизма

Асосий воситалар таркибига киритилмайдиган воситалар рўйхати

- махсус ва санитария кийим-кечаклари, махсус пойабзаллар;
- кўрпа-тўшак анжомлари;
- ёзув-чизув анжомлари (калькуляторлар, стол устига қўйиладиган асбоблар ва бошқалар);
- ошхона анжомлари (шунингдек, ошхона учун дастурхон-сочиқлар);
- тикланиш бўйича харажатлар (қурилиш-монтаж ишлари таннархига киритилган мосламалар ва қурилмалар);
- камида бир йиллик фойдаланиш муддатига эга бўлган алмаштириладиган ускуналар;
- ов қуроллари (траллар, тўрлар, қармоқлар ва ҳ.к.);
- махсус асбоблар ва мосламалар (муайян буюмларни туркумлаб ва ёлпасига ишлаб чиқариш учун ёки яқка тартибдаги буюмларни тайёрлаш учун мўлжалланган, мақсадли йўналтирилган асбоблар ва мосламалар).

Манба: 5-сонли «Асосий воситалар» номли Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти. (АВ рўйхат рақами 1299), 3-банд.

Асосий воситалар ҳисобига тегишли бўлган асосий тушунчалар

Амортизацияланадиган қиймат	Молиявий ҳисоботларда фараз қилинаётган (баҳоланган) тугатиш қийматини чегирган ҳолда кўрсатилган активнинг бошланғич (тиклаш) қиймати.
Амортизация	Фойдали хизмат муддати мобайнида активнинг амортизацияланадиган қийматини асосий воситаларнинг вазифасидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига ёки давр харажатларига тақсимлаш ва ўтказиш кўринишидаги эскиришнинг қиймат ифодаси.
Фойдали хизмат муддати	Корхона активдан фойдаланадиган вақт даври ёки корхона ушбу активдан фойдаланишда олишни мўлжаллаётган маҳсулот (ишлар, хизматлар) миқдори.
Асосий воситалар ҳисобини юриштидаги тушунчалар	Тўланган ва қопланмайдиган солиқларни (йиғимларни), шунингдек, активни ундан мўлжал бўйича фойдаланиш учун ишчи ҳолатига келтириш билан бевосита боғлиқ бўлган етказиб бериш ва монтаж қилиш, ўрнатиш, ишга тушириш ва исталган бошқа харажатларни ҳисобга олган ҳолда асосий воситаларни тиклаш (қуриш ва қуриб битказиш) ёки харид қилиш бўйича қилинган харажатларнинг қиймати.
Бошланғич қиймат	
Қолдиқ қиймат	Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати деб уларнинг жамланган эскириш қийматини чегирган ҳолдаги бошланғич қийматига айтилади.
Тиклаш қиймати	Асосий воситаларнинг ҳозирги нархлар шароитидаги қийматидир. Ф. Фуломова: «Замонавий бухгалтерия ҳисоби: нолдан балансгача» ўқув қўлланмаси.
Жорий қиймат	Асосий воситаларнинг маълум санадаги амал қилаётган бозор нархлари бўйича қиймати ёки активни алмаштириш мумкин бўлган сумма.
Тугатиш (ликвидацион) қиймат	Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши бўйича кутилаётган харажатларни чегирган ҳолда кутилаётган фойдали хизмат муддати охирида асосий воситаларни тугатиш чоғида олинадиган активларнинг фараз қилинаётган суммаси.

Манба: Фуломова Ф.Ф., «Замонавий бухгалтерия ҳисоби: нолдан балансгача» ўқув қўлланмаси маълумотлари (Т.: 2011. 51-бет).

даврида харажатлар таркиби-га киритилади.

Асосий воситаларни харид қилиш билан боғлиқ харажатлар 3-қизмада келтирилган.

Агар асосий воситаларни сотиб олиш шартномасида тўловни кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш назарда тутилган бўлса, у ҳолда асосий воситалар бухгалтерия ҳисобига кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлашни ҳисобга олмаган ҳолда сотиб олиш қийматида киритилади. Бунда сотиб олиш қиймати ва тўловнинг умумий

суммаси ўртасидаги фарқ кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш даври мобайнида жорий тўловнинг кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш бўйича тўловларнинг умумий суммасидаги солиштирма оғирлигига боғлиқ ҳолда молиявий (фоизлар бўйича) харажатларга ўтказилади.

Кредитдан фойдаланганлик учун фоизларни тўлашга доир харажатлар қарзга олинган капитал ҳисобидан буткул ёки қисман сотиб олинган асосий воситалар-

нинг бошланғич қийматига киритилмайди.

Қурилиш даврида қурилиш учун олинган узоқ муддатли кредит бўйича ҳисобланган фоизлар барпо қилинган асосий воситаларнинг таннархига киритилади.

Корхонанинг ўзида тайёрланган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати деб асосий воситаларнинг мазкур объектларни тиклаш (қуриш, қуриб битказиш) бўйича қилинган ҳақиқий харажатлар суммаси тан олинади.

Асосий воситалардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун уни текширувдан ўтказиш натижасида олинган маҳсулот соф сотиш қиймати бўйича кирим қилинади ва асосий воситаларнинг бошланғич қиймати шакллантирилаётганда капитал қўйилмалар таркибидан айирилади.

Кредитдан фойдаланганлик учун фоизларни тўлашга доир харажатлар қарзга олинган капитал ҳисобидан буткул ёки қисман сотиб олинган асосий воситаларнинг бошланғич қийматига киритилмайди.

Асосий воситаларни харид қилиш билан боғлиқ харажатлар

- активларни етказиб берувчиларга ҳамда шартнома бўйича қурилиш-монтаж ишларини бажарганлик учун пудратчиларга тўланадиган суммалар;
- рўйхатга олиш йиғимлари, давлат божлари ва асосий воситалар объектига доир ҳуқуқни сотиб олиш муносабати билан амалга ошириладиган бошқа шунга ўхшаш тўловлар;
- божхона божлари ва йиғимлари;
- асосий воситаларни сотиб олиш (барпо қилиш) муносабати билан солиқлар ва йиғимлар суммалари (агар улар қопланмаса);
- асосий воситалар объектларини сотиб олиш (барпо қилиш) муносабати билан амалга оширилган ахборот ва маслаҳат хизматлари учун тўловлар;
- асосий воситалар объектларини етказиб бериш хатарини суғурталаш бўйича тўловлар;
- асосий воситалар объектларини сотган воситачиларга тўланадиган ҳақлар;
- асосий воситаларни ўрнатиш, монтаж қилиш, созлаш ва ишга туширишга оид харажатлар;
- активдан мўлжал бўйича фойдаланиш учун уни ишчи ҳолатига келтириш билан бевосита боғлиқ бошқа харажатлар.

Манба: 5-сонли «Асосий воситалар» номли Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти. (АВ рўйхат рақами 1299), 3-банд.

Қиймати хорижий валютада белгиланган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати юқорида келтирилган бошланғич қийматга киритиладиган харажатлар суммасини ҳисобга олган ҳолда божхона юк декларациясини тўлдириш санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича суммани хорижий валютада ҳисоблаб ўтказиш йўли билан сўмда ҳисобга олинади.

Корхона устав капиталига улуш сифатида олинган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати сифатида, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, корхона муассислари (иштирокчилари) келишган асосий воситаларнинг пулдаги баҳоси тан олинади. Хўжалик жамияти таъсисчилар таркибидан чиққанида ёки хўжалик жамиятининг мулки таъсисчилар ўрта-

сида тақсимланганида келиб тушган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати асосий воситаларнинг қабул қилиш-топшириш далолатномасида, асосий воситаларни сотиб олиш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олган ҳолда, кўрсатилган қийматда тан олинади.

Корхона томонидан текинга (ҳадя шартномасига асосан) олинган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати деб бошланғич қийматга киритиладиган юқорида келтирилган харажатларни ҳисобга олган ҳолда асосий воситаларни

бухгалтерия ҳисобига кириш қилиш чоғидаги уларнинг жорий қиймати тан олинади.

Тайёр маҳсулотлар таркибидан асосий воситалар таркибига ўтказиладиган объектларнинг бошланғич қиймати деб Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатлар таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби» тўғрисидаги низомга асосан аниқланадиган ишлаб

Қурилиш даврида қурилиш учун олинган узоқ муддатли кредит бўйича ҳисобланган фоизлар барпо қилинган асосий воситаларнинг таннархига киритилади.

чиқариш таннархи тан олинади.

Товар-моддий захиралар таркибидан асосий воситалар таркибига ўтказиладиган (тайёр маҳсулотдан ташқари) объектларнинг бошланғич қиймати Ўзбекистон Республикаси 4-сонли бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (Товар-моддий захиралар)га мувофиқ белгиланадиган уларнинг баланс қийматига тенг бўлади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда айирбошлаш йўли билан олинган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати берилган асосий воситаларнинг қолдиқ қийматига тенг. Айирбошлаш қўшимча тўлов орқали амалга оширилган ҳолатларда алмаштириш орқали олинган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати берилган асосий воситаларнинг ўтказилган (олинган) қўшимча тўлов суммасига оширилган (камайтирилган) қолдиқ қийматига тенг.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мажбуриятларни (тўловни) пул кўринишида бўлмаган маблағлар билан бажариш назарда тутилган шартномалар бўйича олинган асосий воситаларнинг бош-

Мажбуриятлари умумий суммада ифодаланган мустақил объектларга эга бўлган асосий воситаларга нисбатан бошланғич қиймат ушбу суммани алоҳида объектнинг жорий қиймати-га пропорционал тақсимлаш орқали аниқланади.

ланғич қиймати сифатида корхона томонидан ўтказилган ёки ўтказилиши лозим бўлган қимматликларнинг қиймати тан олинади. Корхона томонидан ўтказилган ёки ўтказилиши лозим бўлган мавжуд қимматликларнинг қийматини корхона таққослаш шarti билан шунга ўхшаш қимматликларнинг қийматини белгилайдиган нархлардан келиб чиқиб белгилайди. Ушбу қимматликларнинг қийматини белгилаш имконияти бўлмаган тақдирда, мажбуриятни (тўловни) пул кўринишида бўлмаган қимматликлар билан бажариш назарда тутилган шартномалар бўйича олинган асосий воситаларнинг қиймати шунга ўхшаш асосий воситаларни таққослаш шarti билан сотиб олинган қийматдан келиб чиқиб белгиланади.

Мажбуриятлари умумий суммада ифодаланган мустақил объектларга эга бўлган асосий воситаларга нисбатан бошланғич қиймат ушбу суммани алоҳида объектнинг жорий қийматига пропорционал тақсимлаш орқали аниқланади.

Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ва 5-сонли «Асосий воситалар» номли бухгалтерия ҳисоби миллий стандартида белгиланган ҳолатлардан ташқари ҳолатларда ўзгартирилмайди. Бухгалтерия ҳисобига қабул қилинган асосий воситаларнинг бошланғич қийматини ўзгартиришга асосий воситалар қуриб битказилган, қўшимча жиҳозланган, замонавийлаштирилган, техник қайта қуроллантирилган, реконструкция қилинган, қисман тугатилган ва улар қайта баҳоланган ҳолатларда рухсат этилади.

Қуриб битказиш, қўшимча жиҳозлаш, замонавийлаштириш ишлари деганда асосий воситаларнинг технологик ёки хизмат мўлжалининг ўзгариши, оширилган ишлар кўлами ёки сифатни янада яхшилашга доир бошқа ҳолатлар бўйича қилиниши лозим бўлган ишлар тушунилади.

Қуриб битказиш, қўшимча жиҳозлаш, замонавийлаштириш ишлари деганда асосий воситаларнинг технологик ёки хизмат мўлжалининг ўзгариши, оширилган ишлар кўлами ёки сифатни янада яхшилашга доир бошқа ҳолатлар бўйича қилиниши лозим бўлган ишлар тушунилади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда айирбошлаш йўли билан олинган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати берилган асосий воситаларнинг қолдиқ қийматига тенг.

Реконструкция қилиш ишларида ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва унинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини ошириш бўйича ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, маҳсулот (ишлар, хизматлар) сифатини яхшилаш ва номенклатурасини ўзгартириш мақсадларида асосий воситаларни реконструкция қилиш лойиҳаси бўйича амалга ошириладиган мавжуд асосий воситаларни қайта қуриш киритилади.

Техник қайта қурулантиришга илғор техника ва технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш, маънан ва жисмонан эскирган ускуналарни замонавийлаштириш, уларни янгилари, унумдорлиги юқори бўлганлари билан алмаштириш асосида асосий воситалар ва уларнинг айрим қисмлари техник иқтисодий кўрсаткичларини ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуи тушунилади.

Асосий воситалар таркибига ўтказиладиган капитал қў-

йилмалар агар асосий воситалардан фойдаланишдан келгусида олинган иқтисодий фойдани оширсан, уларнинг бошланғич қийматига киритилади. Келгусида асосий воситалардан фойдаланишдан олинган иқтисодий фойдани оширмайдиган бошқа барча харажатлар улар юзага келган даврда давр харажатлари таркибига киритилиши лозим.

Асосий воситаларни қуриб битказиш, замонавийлаштириш, қўшимча жиҳозлаш, реконструкция қилиш ва техник қайта қурулантиришга доир харажатлар, агар улар тугатилгандан сўнг, асосий воситалар фаолият юритишининг қабул қилинган бошланғич меъёрий кўрсаткичлари (фойдали ишлатиш муддати, қуввати, қўллаш сифати ва бошқалар) яхшиланса, асосий воситаларнинг бошланғич қиймати ошадими.

Асосий воситалар бажарилган вазифасига кўра ишлаб чиқариш ва ношлаб чиқариш воситаларига бўлинади. Иш-

лаб чиқариш асосий воситалари бевосита моддий неъматларни яратишда иштирок этадиган воситалардир. Ношлаб чиқариш асосий воситалари гуруҳига уй-жой ҳамда коммунал-хўжалик, маиший хизмат, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқаларнинг асосий воситалари киради.

Ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятида асосий воситалар объектлардан фойдаланиш даражасига кўра ҳам бир неча гуруҳларга бўлинади (4-чизма).

Асосий воситаларнинг бундай гуруҳланиши улардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш, эскирган асосий воситаларни алмаштириш, кераксиз асосий воситаларни бошқа корхоналарга бериш ёки сотиш тўғрисида қарор қабул қилиш, шунингдек, уларнинг эскиришини тўғри ҳисобкиреб қилиш учун зарур.

Ўзбекистон Республикаси 21-сонли «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома» номли бухгалтерия ҳисоби миллий стандартига мувофиқ асосий воситалар бухгалтерия ҳисоби счётлари режасининг 01-счётларида ҳисобга олиб борилади. Ўзининг натурал ашёвий таркиби бўйича асосий воситалар қуйидаги ҳи-

Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ва 5-сонли «Асосий воситалар» номли бухгалтерия ҳисоби миллий стандартида белгиланган ҳолатлардан ташқари ҳолатларда ўзгартирилмайди.

собварақлар бўйича ҳисобга олинади (Жадвал):

0110 – «Ер» счётида қонунчиликка мувофиқ корхонага мулк сифатида берилган ер майдонлари ҳисобга олиб борилади. 0110 счётининг дебетиди, шунингдек, ер майдонларини харид қилишда тўланадиган қўшимча харажатлар, қўчмас мулк агентларнинг комиссияси мукофоти, адвокатларнинг хизмат ҳақи, сотиб олиш билан боғлиқ солиқлар, зовурлар қиймати, ерларни тозалаш ва текислаш харажатлари ҳисобга олинади. Ерларни фойдаланишга тайёрлаш, жумладан, сув олиб келиш, оқава сувларни чиқариш иншоотлари, геодезия ишлари бўйича умумий харажатлар 0110 – «Ер» счётида капитализация қилинади. Чунки ушбу харажатлар ердан келгусида фойдаланиш ва унинг қийматини ошириш учун зарур⁶. Ер майдони бино ва иншоотларни реконструкция қилиш ёки қуриш учун сотиб

Асосий воситалар таркибига ўтказилмаган капитал қўйилмалар агар асосий воситалардан фойдаланишдан келгусида олинадиган иқтисодий фойдани оширсин, уларнинг бошланғич қийматига киритилади.

олинганда мавжуд конструкциялар ва бошқа тўсиқларни бартараф этиш қиймати 0110 – «Ер» счётида капитализация қилинади. Бунда конструкцияни тугатишдан олинган материалларни сотишдан тушган тушум ушбу харажатларни камайтиради. Агар ер майдони олдиндан тасарруфда бўлса ва мавжуд конструкциялар янги қурилиш объектига жой бериш учун бузиб ташланса, бузиш бўйича харажатлар 0110 – «Ер» счётига капитализация қилинмайди, балки эски конструкцияларни ҳисобдан чиқариш билан боғлиқ харажатлар сифатида акс эттирилади.

0111 – «Ерни ободонлаштириш» счётида ер майдонлари тузилишини ўзгартириш, келиш йўллари, автомобиллар ва бошқа транспорт воситаларининг тўхташ майдонлари, деворлар ва бошқа иншоотларнинг ҳолатини яхшилаш харажатлари ҳисобга олинади.

0112 – «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш» счётида молиявий ижара шартномаси бўйича ижарага олинган мулкни ободонлаштириш билан боғлиқ капитал харажатлар ҳисобга олинади. Бундай харажатларга, шунингдек, реконструкция

4-чизма

Асосий воситаларнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятида объектлардан фойдаланиш даражасига кўра гуруҳларга бўлиниши



Манба: Каримов А., Исломов Ф., Авлоқулов А., «Бухгалтерия ҳисоби» дарслиги маълумотлари (Т.: 2004, – 128-бет).

⁶ «21-сонли «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома» номли БҲМС (2002 йил 23 октябрь, 1181-сон), 11-банд.

Жадвал

Масофадан банк хизматларини кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчиларнинг сони

Т/р	Счёта рақами	Номи
1	0110	– ер;
2	0111	– ерни ободонлаштириш;
3	0112	– молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш;
4	0120	– бино, иншоот ва узатувчи мосламалар;
5	0130	– машина ва асбоб-ускуналар;
6	0140	– мебель ва офис жиҳозлари;
7	0150	– компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникаси;
8	0160	– транспорт воситалари;
9	0170	– ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар;
10	0180	– кўп йиллик ўсимликлар;
11	0190	– бошқа асосий воситалар;
12	0199	– консервация қилинган асосий воситалар.

Манба: Каримов А., Исломов Ф., Авлоқулов А., «Бухгалтерия ҳисоби» дарслиги маълумотлари (Т.: 2004, – 128-бет).

ва модернизация қилиш харажатлари ҳам қўшилади.

0120 – «Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар» счётида қуйидагилар ҳисобга олинади:

а) бино – ишлаб чиқариш, маъмурий, ижтимоий-маиший, уй-жой (инвентарь объекти бўлиб, мустақил хўжалик аҳамиятига эга бўлган алоҳида турган бино ёки қўшимча қурилишлар ҳисобланади). Бино ва қўшимча қурилишлар таркибига бир меъёردа фойдаланиш учун шароит яратиб берадиган барча коммуникация тизими (иситиш, ёритиш, шамоллатиш, сув-газ таъминоти тизимлари, ички телефон ва компьютер тармоқлари, лифт хўжалиги, ён-ғиндан сақлаш ва қўриқлаш – сигнализация тизими) кирadi;

б) иншоотлар – автомобиль йўллари, кўприklar, осма

йўллари, сув омбори, нефть ва газ қудуқлари, шахта қудуқлари ва бошқалар;

с) ўтказувчи мосламалар – электр қувватини узатиш тизимлари, труба йўллари, иссиқлик ва газ тармоқлари, трансмиссиялар ва бошқалар.

0130 – «Машина ва асбоб-ускуналар» счётида қуйидагилар ҳисобга олинади:

а) кучлантирувчи машина ва ускуналар – атом реакторлари, қозонлар, буғ двигателлари, турбиналар, кучлантирувчи трансформаторлар, ички ёнув двигателлари ва бошқалар;

б) ишчи машиналар ва ускуналар – меҳнат буюмларига механик, иссиқлик, кимёвий ва бошқа технологик таъсир кўрсатувчи станоклар, аппаратлар, агрегатлар;

с) ўлчов ва бошқарув мосламалари ва лаборатория ускуналари ҳамда жиҳозла-

ри – тарозилар, манометрлар, термостатлар, диспетчер назорати ускуналари, сигнализация, илмий-текшириш лабораторияси, сейсмологик станция ускуналари ва бошқалар;

д) бошқа машина ва ускуналар – телефон станцияси ускуналари ва бошқа олдинги гуруҳларда ҳисобга олинмайдиган машина ва ускуналар.

0140 – «Мебель ва офис жиҳозлари» счётида ишлаб чиқариш ва бошқарув учун мўлжалланган мебель ва жиҳозлар (столлар, шкафлар, мебель йиғимлари, кресло, темир сейфлар ва бошқалар), шунингдек, офис жиҳозлари (телефакс аппарати, қоғоз қирқадиган ва йўқ қиладиган машиналар ва бошқалар) ҳисобга олинади.

0150 – «Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникаси» счётида компьютерлар, принтерлар, сканерлар, модем ва бошқа компьютер жиҳозлари ҳамда ҳисоблаш техникалари ҳисобга олинади.

0160 – «Транспорт воситалари» счётида темирйўл,

Асосий воситалар бажарадиган вазифасига кўра ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш воситаларига бўлинади.

сув, ҳаво, автомобиль, ишлаб чиқариш ва коммунал транспорт воситаларининг ҳаракатланувчи таркиби, шунингдек, магистрал қувур тармоқлари (трубопроводлар) ҳисобга олинади.

0170 – «Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар» счётида ишчи кучи сифатида фойдаланиладиган ишчи ҳайвонлар – отлар, ҳўкизлар, туялар, хачир ва эшаклар ҳамда бошқа ишчи ҳайвонлар (шунингдек, юк транспорт воситаси сифатида фойдаланиладиган ҳайвонлар) ҳамда маҳсулот (насл, сут, жун ва бошқалар) берадиган ҳайвонлар – сигирлар, биялар, қўйлар, эчкилар ва бошқалар ҳисобга олинади.

0180 – «Кўп йиллик ўсимликлар» счётида кўкаламзорлаштириш, декорация, меварезавор дарахтлар ва ўсимликлар, яшил девор ва бошқалар ҳисобга олинади.

0190 – «Бошқа асосий воситалар» счётида юқорида келтирилган счётларда санаб ўтилмаган асосий воситалар ҳисобга олинади.

0199 – «Консервация қилинган асосий воситалар» счётида қонунларда белгиланган тартибда консервацияланган асосий воситалар ҳисоби юритилади.

Фикримиз сўнгига шуни ҳулоса қилиб айтиш жоизки,

Ижтимоий соҳа иқтисодиётида «асосий капитал» тушунчаси янги «асосий фондлар» тушунчасига алмашди. «Асосий фондлар» молиявий таҳлил мақсадлари учун, «асосий воситалар» эса бухгалтерия ҳисобини юритиш учун асосий тушунчалар сифатида фарқланди.

ижтимоий соҳа иқтисодиётида «асосий капитал» тушунчаси янги «асосий фондлар» тушунчасига алмашди. Алалхусус, «асосий фондлар» молиявий таҳлил мақсадлари учун, «асосий воситалар» эса бухгалтерия ҳисобини юритиш учун асосий тушунчалар сифатида фарқланди. Бироқ қатор иқтисодчи олимлар гуруҳи (В.А. Пипко, Л.И. Ушвицкий, Л.Н. Булавина, А.Ш. Маргулис⁷, А.В. Мордовкин⁸, Г.А. Николаева) бу икки тушунчани синоним сифатида қараб, «асосий восита» термини қаторида қавс ичида «асосий фондлар» тушунчасини ҳам қайд этиб қўйишни тавсия этадилар⁹.

В.П. Астаховнинг таърифига назар соладиган бўлсак, «асосий фондлар» замирида асосий моддий ва номоддий активлар англашилади¹⁰.

Л.С. Мимрикова, В.П. Петров, П.И. Полетаев, В.В. Оста-

пенко, И.И. Малис каби қатор иқтисодчилар асосий воситаларга асосий фондларнинг қиймат ифодаси деб қарайдилар. П.И. Полетаевнинг фикрича, асосий фондлар биноиншоотлар, қишлоқ хўжалиги машиналари, ишлаб чиқариш техникаси, транспорт воситалари ва бошқа асосий воситаларнинг қиймат ифодаси саналади¹¹.

ABSTRACTS

THE AIM AND NECESSITY OF FIXED ASSETS ACCOUNT IN ENTERPRISES AND ORGANIZATIONS

The article is devoted to the necessity of fixed assets account in enterprises and organizations. The fixed assets are tangible assets held by an enterprise for long-term business activities in the production process, works, services or for use in administrative or sociocultural tasks. The current value of fixed assets is determined by the aim of the future application.

⁷ Маргулис, А. Ш. Бухгалтерский учет в отраслях народного хозяйства / А. Маргулис. – М.: Финансы, 1974. – С. 24–50.

⁸ Мордовкин, А. В. Бухгалтерский учет и налогообложение основных средств / А. В. Мордовкин. – М.: Главбух, 1999. – 144 с.

⁹ Новодворский, В.Д. Комментарий к новым формам бухгалтерской отчетности организации / В. Новодворский, Л. Пономарева. – М.: Бухгалтерский учет, 2003. – Стр. 162.

¹⁰ Астахов, В. П. Бухгалтерский учет и налогообложение основных средств / В. П. Астахов. – Ростов н/Д.: Март, 1999. – 253 с.

¹¹ Полетаев, П.И. Производство основных фондов и эффективность сельского хозяйства / П. И. Полетаев. – М.: Колос, 1977. – 144 с.

РЫНОК ЦЕННЫХ БУМАГ УЗБЕКИСТАНА: НОВЫЕ ГОРИЗОНТЫ



Игорь Бутиков,
д.э.н., профессор,
директор
Центра исследований
Госкомконкуренции
Республики Узбекистан

В соответствии с Указом Президента страны Шавката Мирзиёева «О мерах по коренному совершенствованию системы управления государственными активами, антимонопольного регулирования рынка капитала», на базе Госкомконкуренции Республики Узбекистан созданы Агентство по управлению государственными активами Республики Узбекистан, Антимонопольный комитет Республики Узбекистан и Агентство по развитию рынка капитала с передачей последнему штатных единиц, а также задач, функций и полномочий упраздняемого Госкомконкуренции в части регулирования рынка ценных

Начало этого года ознаменовалось событием, которого последние два десятилетия с нетерпением ждали все участники отечественного рынка ценных бумаг и особенно – профессиональные. Наконец уполномоченный государственный орган в области регулирования рынка ценных бумаг вышел из-под подчинения органа государственного управления, осуществляющего функции управления государственными активами, обеспечивающего антимонопольное регулирование, и стал независимым от него, самостоятельным Агентством.

бумаг, включая организаторов торгов ценными бумагами, Центрального депозитария ценных бумаг и развития корпоративного управления.

Рынок ценных бумаг играет колоссальную роль в экономике любой страны, да и в мире в целом. Именно через механизмы и инструменты рынка ценных бумаг национальные экономики развитых стран привлекают для своего развития значительную часть

ресурсов. Именно поэтому передовые, развитые страны мира, такие как США, Германия, Япония и другие, имеют отлаженные и развитые системы фондового рынка, позволяющие привлекать временно свободные денежные и иные средства населения, предприятий, организаций и самого государства и направлять их на финансирование развития своих национальных экономик.

Через механизмы и инструменты рынка ценных бумаг национальные экономики развитых стран привлекают для своего развития значительную часть ресурсов.

Вышеупомянутый Указ Президента страны знаменателен и тем, что в нем впервые за последние годы указано на ту огромную роль, которую рынок ценных бумаг должен, наконец, выполнить в социально-экономическом развитии страны. В преамбуле документа сказано: «В стране осуществляются масштабные преобразования, направленные на обеспечение экономического роста, повышение конкурентоспособности, углубление процессов модернизации и диверсификации экономики, формирование благоприятных условий для привлечения инвестиций, прежде всего в базовые, структурообразующие отрасли. При этом, дальнейшее сокращение участия государства в экономике, развитие фондового рынка и создание здоровой конкурентной среды являются основой для проведения активной инвестиционной политики, динамичного и устойчивого развития всех сфер жизнедеятельности общества и государства».

Это дает основание полагать, что мы находимся на том переломном этапе реформ, когда, наконец, фондовый рынок начнет выполнять важнейшую присущую ему функцию – функцию мобилизации временно свободных средств населения, предприятий и самого государства и направления их на финансирование развития различных отраслей национальной экономики.

В современном мире реалии таковы, что ценные бумаги являются уже не просто фиктивным капиталом, а при

Ценные бумаги являются уже не просто фиктивным капиталом, а при надлежащей организации их рынка могут служить тем мощнейшим финансовым рычагом, который способен вывести экономику на новый, значительно более высокий, уровень развития.

надлежащей организации их рынка могут служить тем мощнейшим финансовым рычагом, который способен вывести экономику на новый, значительно более высокий уровень развития.

В Узбекистане, с момента обретения независимости, главное внимание как источнику финансирования экономики уделялось банковскому кредиту. Именно банки, как институты привлечения средств населения и предприятий и организаций, а также государства, на заемной основе, осуществляли колоссальные вложения в реальный сектор экономики. В банках концентрировались значительные финансовые ресурсы и квалифицированный кадровый потенциал, оставшийся еще от советской системы. Государство оказывало всеобщую всестороннюю поддержку банковскому сектору. Банки получали от государства огромные средства и преференции.

В наследство от советской системы рынок ценных бумаг республики получил только государственные облигации и сберегательные сертификаты.

После обретения страной независимости он начал развиваться, казалось бы, взрывными темпами. В 1994 г. была создана Республиканская фондовая биржа. С 1996 по 2011 гг. получил определенное развитие рынок государственных ценных бумаг (ГКО, ГСКО, облигации Центрального банка). Но рынок акций базировался, в основном, на преобразовании государственных предприятий в акционерные общества, т.е. на приватизации. Выпуск акций при широкомасштабной приватизации, в результате которой около пяти тысяч госпредприятий превратились в акционерные общества, не привел к вовлечению в оборот предприятий новых финансовых ресурсов и не был связан с инвестициями, а означал в основном лишь смену их собственника – государственного на частного. Рынок государственных ценных бумаг рассматривался Минфинотом только как инструмент покрытия дефицита государственного бюджета.

В дальнейшем в области рынка ценных бумаг принимались решения, определяющие

какой-либо вектор развития в этой области, но многие из которых потом отменялись. Ввиду того, что не доводилось до запланированного результата важные и правильные начинания в указанной области, к сегодняшнему дню, надо признать, мы не смогли создать полноценный, активно функционирующий фондовый рынок, который мог бы конкурировать с зарубежными фондовыми рынками, и даже внутри страны с другими сегментами внутреннего финансового рынка.

Каково же состояние фондового рынка в республике на сегодняшний день? По данным уполномоченного государственного органа по регулированию рынка ценных бумаг, за весь период развития рынка ценных бумаг в стране количество выпущенных акций составило 6,3 трлн. штук на общую сумму по номинальной стоимости 59,4 трлн. сумов. Только за последний 2018 год в Единый государственный реестр выпусков эмиссионных ценных бумаг внесены записи по 155 выпускам акций на 13,4 трлн. сумов. Количество выпущенных акций в 2018 году составило 1,98 трлн. штук, общий оборот рынка акций и корпоративных облигаций составил 10,71 трлн. сумов, что на 11,53 трлн. сумов или в 2,07 раза меньше чем за аналогичный период 2017 года.

На организованном рынке в 2018 году было заключено 14 045 сделок на 815,04 млрд. сумов, в т.ч. 14 039 сделок с акциями на 713,71 млрд. сумов и 6 сделок с корпоративными

Созданному Агентству по развитию рынка капитала достался в наследство весьма неразвитый фондовый рынок страны, причем находящийся в настоящее время в состоянии застоя.

облигациями на 101,3 млрд. сумов. Объем сделок с акциями и корпоративными облигациями на РФБ «Тошкент» составил 687,88 млрд. сумов (13 751 сделка), а на ЭСВТ «Элсис-савдо» – 127,16 млрд. сумов (294 сделка).

В течение 2018 года Центральным депозитарием ценных бумаг и инвестиционными посредниками (выполняющими с 2015 г. функции депозитариев) зарегистрировано 5 743 сделки с акциями и корпоративными облигациями на 9,89 трлн. сумов.

Совокупный оборот вторичного рынка акций и корпоративных облигаций составил 1 704,4 млрд. сумов, в т.ч.: на организованном рынке – 487,96 млрд. сумов (10 356 сделок); на неорганизованном рынке – 1 216,43 млрд. сумов (4 975 сделок).

В разрезе отраслей, исходя из объема сделок, наибольший коэффициент обращаемости (соотношение объема торгов к совокупному объему уставного капитала АО отрасли) на вторичном рынке наблюдается по акциям предприятий, входящих в структуру Агентства «Узфармсаноат» (74,8%), субъектов предпринимательства, созданных при участии местных хокимиятов (41,81%), АО «Узозиковкатхолдинг» (34,6%), Минводхоза (31,5%),

Национальной телерадиокомпания Узбекистана (31%), Национального агентства «Узбеккино» (24,5%), АО «Узагро-техсаноатхолдинг» (13,2%). В целом по предприятиям всех отраслей – 2,7%.

Объем сделок с акциями на вторичном рынке в прошедшем году с участием физических лиц составил 734,73 млрд. сумов или 45,38% от общего объема сделок на вторичном рынке.

Количество действующих лицензий на осуществление профессиональной деятельности на рынке ценных бумаг составило 138 единиц, в частности в 2018 году выдано 16, переоформлено 35, прекращено действие 8 лицензий. Количество же профессиональных участников рынка ценных бумаг, в связи с совмещением профессиональной деятельности на фондовом рынке отдельными организациями, значительно меньше – около 80-ти.

Общее количество действующих квалификационных аттестатов специалистов рынка ценных бумаг составило 325 единиц, в т.ч. 79 – I категории и 246 – II категории. В течение 2018 года выдано всего 87 квалификационных аттестатов.

Центром по координации и развитию рынка ценных бу-

маг проведены проверки деятельности 3 участников рынка ценных бумаг (АО), в ходе которых выявлены 47 нарушений законодательств о рынке ценных бумаг и об акционерных обществах и защите прав акционеров.

